



НИЯТ ВА АМАЛ

Деярли барча ҳадис китоблари Пайгамбаримиздан (алай-ҳиссалом) Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган: «Амаллар фақат ниятга боғлиқдир...» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти) деган ҳадис билан бошланади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ушбу ҳадис ҳақида: «Илмнинг учдан бири шу ҳадисда», десалар, Имом Шофиъий: «Илмнинг ярми шу ҳадисда», деб айтганлар. Абу Довуд эса: «Бу ҳадис Исломнинг мадори бўлган ҳадислардандир», деганлар (ҳаммаларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин). Банда ниятини яхшилаш билан ўз эҳтиёжи, талаби йўлидаги барча иш ва ҳаракатларидан савоб олади, оддийгина амалини ибодат даражасига кўтаради.

Ейиш, ичиш, дам олиш, оила ҳаёти каби мувоҳамалар ҳам Аллоҳ таоло розилигини исташ ниятида бажарилса, ибодатга айланиб, эвазига ажр олинади. Киши Аллоҳ таоло қайтарган нарсаларни тарк этса, савобга эришади.

Катта-кичик, аҳамиятли-аҳамиятсиз демасдан, ҳар бир ишда, кундалик турмушимизда ниятимизни ўнглаб иш тутишимиз керак бўлади. Масалан, кўчага чиқиш олдида ўзингизга хушбўй атир сепмоқчи бўлдингиз. Агар бундан масжид ёки илм мажлисида одамлар сиздан озорланмасликларини, балки хушбўйликдан қалблари сурурга тўлишини ният қилган бўлсангиз, ана шу ниятингиз савобга боисдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Ким Аллоҳ розилиги йўлида хушбўй нарса суртса, унинг ҳиди қиёмат куни мушк-анбар каби бўлади, ким Аллоҳдан ўзганинг розилиги ниятида хушбўйланса, қиёмат куни унинг ҳиди ўлаканикидан ҳам жирканч бўлади».

Тоат-ибодатларнинг тўғри ва комил бўлиши ниятга боғлиқ. Аммо бунда асл мақсад инсоннинг фақат Аллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилиши ният этишидир. Чиндан ҳам бир тоат билан кўплаб яхшиликларни ният этиш мумкин. Шунда ҳар бир ният учун алоҳида ажр-савоб бўлади, чунки ҳар бир эзгу ниятда яхшилик бор. Ҳар бир чиройли ниятга ўн баробар ортиқ ажр берилади.


Солиҳ салафлардан бири: «Мен ҳар бир нарсада ниятим бўлишини жуда ҳам яхши кўраман. Ҳатто таом ейиш, сув ичиш, уйқуга кетишда ниятим бўлишини истайман», деган. Буларнинг барчасида Аллоҳ таолога яқинликни қасд этиш бор. Овқат ейишдан мақсад ҳалол касб учун куч тўплаш, уйланишдан мурод ўзидан кейин солиҳ фарзандлар қолдириш бўлса, бу ниятларига яраша мукофот олади.

Масалан, бир мусулмон ризқ ахтариб уйдан чиқаётганида: «Аллоҳ таоло оиламнинг таъминотини зиммамга фарз қилган, ҳалолидан умид қилган ҳолда ўзидан ёрдам сўраб, йўлга чиқяман», деб ният қилса, унинг бу йўлда қўйган ҳар бир қадами, олган ҳар нафаси ибодатга айланади, иншааллоҳ.

Солим ибн Абдуллоҳнинг Умар ибн Абдулазизга (Аллоҳ уларни раҳматига олсин) йўллаган мактубида бундай сатрлар бор эди: «Билгинки, Аллоҳнинг ёрдами албатта банданинг ниятига қараб бўлади. Кимнинг нияти холис, мукамал бўлса, унга Аллоҳнинг ёрдами ҳам тўла-тўқис бўлади. Агар ёрдам тўла бўлмаса, банданинг нияти кемтиклигидандир».

Амалнинг сифати ҳам ниятнинг сифатига боғлиқ. Ақлли киши ҳамиша яхши ният қилади. Баъзан амалга ошмай қолсада, тоза ниятнинг ўзига ҳам савоб олишини билган мўмин шунга кўра ҳаракат қилади ва эзгуликларга эришади.

**Шаҳобиддин
МУҲАММАДСОЛЕҲ,**
Асака шаҳри ва
тумани бош имом-
хатиби



СЎЗЛАРНИНГ ЭНГ ФОЙДАЛИСИ

Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг улуг неъматлардан бири сўздир. У инсонлараро муомала-муносабат воситаси, тафаккур таржимони, Аллоҳ таолога бандаликни адо этиш омилдир.

Сўзларнинг энг фойдалиси Аллоҳ таолони эслатадиган, кишиларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтарадиганларидир.

«Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига эргашадиган бандаларимга хушxabар беринг» (Зумар, 18);

«Аллоҳ (йўли)га чақирган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, «Мен мусулмонларданман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?» (Фуссилат, 33).

Ўтмишдаги солиҳ кишилар беҳуда сўзлардан хамиша чекинишган, улар ўрнига сукутни афзал кўришган. Абулқосим Замахшарий: «Агар тилингни ортиқча сўзлашдан тия олмасанг, унинг жировини шайтонга топширган бўласан», деган.

Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) айтишича, «Банда тилини тия олмаса, тақводор бўлолмайдир».

Сўзнинг офатлари кўп: бемаъни, бефойда сўзларни гапириш, ботил, гуноҳ ишларни сўзлаш, сергаплик ва одамларга ёқиш учун сўзамоллик қилиш, фаҳш, ахлоқсиз ва шунга ўхшаш сўзларни айтиш, сўкиниш, ўзгаларни мазах қилиш ва устидан кулиш, сирни ошкор қилиш, ёлғон сўзлаш, гийбат ва бошқалар офат келтирадиган сўздир. Булар қораланган ва инсонлар булардан қайтарилган. Чунки бу сўзларнинг манбаи ёмонлик ва маломатдир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин», деганлар (Имом Бухорий).

Муоздан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Набий алайҳиссалом тилларига ишора қилиб: “Сен тилингни тийгин”, дедилар. Шунда мен: “Гапирган нарсаларимиздан ҳам сўраламизми?” деб сўрадим. У зот: “Онаниг сени йўқотиб қўйсин, кишиларнинг дўзахга юзтубан ёки кўксилари билан ағдарилдиларига сабаб тиллари билан қилган гуноҳларидир”, дедилар» (Имом Термизий).

Одам ақли ва тили билан ҳайвондан устун, аммо нолойиқ сўзлардан тийилмаса, ҳайвондан ҳам тубанлашиб кетади.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Неъматилла ИБРОҲИМОВ
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи
терди.

Манзилимиз:

70069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 8 январда рухсат берилди.
Босмахонага 2009 12 январда йил топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 24500. 4-сон буюртма. «KOHİ NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Яхшиликка чақириш	
Шаҳобиддин МУҲАММАДСОЛЕХ	
Ният ва амал.....	1
Таянч нуқта	
Сўзларнинг энг фойдалиси.....	2
Насихат	
Толибжон НИЗОМ	
Умр мазмуни яхшиликда.....	5
Саҳобалар ҳаёти	
Ҳавла бинти Саълаба.....	6
Ёмонликдан қайтариш	
Абдулазиз МАНСУР	
Инсон умри азиздир.....	8
УМИ ҳаёти	
Бир зиёли ўн оилага маънавий ҳомий.....	9
Қурбонни ўрганамиз	
Али ибн АҲМАД ВОҲИДИЙ	
Оятларнинг тушиш сабаблари.....	10
Яхшиликка чақириш	
Зебунисо ҲУСАЙН қизи	
Мақсадга етиштирувчи амал.....	13
Фикҳ	
Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ	
Ҳидоя. Азон боби.....	15
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Филиппин Республикаси.....	16
Ҳаж таассуротлари	
Қаъбани тавоф этганнинг	
қалби юмшайди.....	18
Имомларимиз ижоди	
Отабек БОҚОНИЙ	
Бухорий бобом.....	19
Митти тадқиқот	
Руслан ИБОДОВ	
«Навабигул калим».....	23
Шеърят	
Кўксингни тўлдирсин тоза ҳаволар.....	24
Фойдали маслаҳат	
Гулгун СУЛТОНОВА	
Меламинни биласизми?.....	26
Рангин туйғулар	
Бобониёз ҚУРБОН	
Кирпи боласи.....	27
Тарих	
Илк масжидлар меъморлиги.....	28
Мерос	
Баҳодир КАРИМ	
«Иршодил оизин» ҳақида.....	30
Дурдона	
Сўфи ОЛЛОЁР	
Ғазаллар.....	31
2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	
Муҳаммад ВАФО	
Номданакнинг бир кунини.....	32

Тафсири

ЮСУФ СУРАСИ

4

Яъқуб (алайҳиссалом) унга Аллоҳ таоло ваҳий орқали билдиргани учун эҳтиёткорлик илоҳий ҳукми ўзгартирилмаслигини билардилар. Лекин кўп одамлар буни билишмайди.

Фикҳ

Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ

ҲИДОЯ

Азон боби

Агар шаҳарда уйда намоз ўқиса, азон ва такбир билан намоз ўқийди».

Бу ҳол намоз жамоат шаклига мувофиқ ўқилиши учундир.

«Агар иккисини ҳам айтмаса бўлади».

Чунки ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу): «Маҳалланинг азони бизга кифоя қилади», деганлар.

Хабарлар

14

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Масжидун Набий кенгайтирилмоқда

“Аш-Шарқ ал-авсат” газетаси хабарига кўра, Мадинаи мунавварадаги Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) масжидларида бошланган кенгайтириш ва таъмирлаш ишларидан сўнг хонақоҳ ва ҳовлида бир вақтда бир ярим миллион киши намоз ўқиши мумкин бўлади. Мадинаи мунаввара ҳокими Абдул Азиз Ҳусайн айтишича, бу ерда тўрт миллиард етти юз миллион риёллик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

22

Тарбия

ДОИМИЙ ТАНБЕҲНИНГ ЗАРАРИ

Ҳаддан зиёд қаттиққўллик ёхуд доимий равишда танбеҳ бериб туриладиган оилаларда болалар ёлғонни ва зиятдан чиқиш ечими деб билишади.

26

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَقَالَ يَبْنَئِي لَا تَدْخُلُوا مِن بَابٍ وَاحِدٍ وَادْخُلُوا مِنْ أَبْوَابٍ مُّتَفَرِّقَةٍ وَمَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٦٧﴾ وَلَمَّا دَخَلُوا مِنْ حَيْثُ أَمَرَهُمْ أَبُوهُمْ مَا كَانَ يُغْنِي عَنْهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا حَاجَةٌ فِي نَفْسِ يَعْقُوبَ قَضَنَهَا وَإِنَّهُ لَذُو عِلْمٍ لَمَّا عَلَّمْنَاهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾

ЮСУФ СУРАСИ*

67. У деди: «Ўғилларим! Бир дарвозадан кирманглар, бошқа-бошқа дарвозалардан киришглар! Аллоҳнинг бирон ҳукмини сизлардан дафъ қилолмайман. Ҳукм фақат Аллоҳдадир. Фақат Унга суянганман. Суянгувчилар фақат Унга суянишсин».

68. Оталари уларга буюрган тарзда киришгач, улардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини дафъ қилолмади. Шундай бўлса ҳам, Яъқуб кўнглидаги истакни изҳор қилди. Албатта, у унга ўргатганимизни билгувчидир. Аммо одамларнинг кўпи билишмайди.

Тафсири ва баёни

Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларини Миср сафарига ҳозирлаганларидан кейин уларга битта дарвозадан кирмасликни, бошқа-бошқа дарвозалардан киришни буюрдилар. Чунки улар келишган ва чиройли йигитлар эди. Жумҳур муфассирлар фикрича, кўз тегмаслиги учун Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандларига ана шундай буюрдилар. Кўз тегиши, яъни, унинг зарарга аниқ сабаб бўлиши ҳақдир. Лекин бу нарса фақат Аллоҳ таолонинг изни ва иродаси билан бўлади. «Аллоҳнинг бирон ҳукмини сиз-

лардан дафъ қилолмайман» муборак жумлалари мазмуни шунга ишорадир.

Яъқуб (алайҳиссалом) фарзандлари оталари буюрган тарзда Мисрга бошқа-бошқа эшиқдан киришгани билан уларга ҳеч фойда бўлмади: улар ўғрилиқда айбланишди; иснодга қолишди; юкининг ичидан жом топилгани учун укалари товон сифатида ушлаб қолинди; оталарининг қайғу-мусибати ортди.

Шундай бўлса-да, Яъқуб (алайҳиссалом) кўнглидаги истакни, фарзандларига бўлган меҳр-шафқатни “бошқа-бошқа эшиқлардан киришглар”, деб изҳор қилдилар.



*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

УМР МАЗМУНИ ЯХШИЛИКДА

Яъқуб (алайҳиссалом) унга Аллоҳ таоло ваҳий орқали билдиргани учун эҳтиёткорлик илоҳий ҳукмни ўзгартиролмаслигини билардилар.

Лекин кўп одамлар буни билишмайди. Яъни, улар, Аллоҳ таоло ўзининг дўстларига дунё ва охирадда манфаатли бўлган илмларни берганини билишмайди.

Мазкур оятлар қуйидагиларга далолат қилади:

Яъқубнинг (алайҳиссалом) фарзандларига: «Бир дарвозадан кирманглар», деганлари жумҳур муфассирлар наздида, кўз тегишидан сақланиш лозимлигига далилдир. Кўз тегишининг зарарга зоҳирий сабаб бўлиши ҳақдир.

Имом Насафий: «Кўз тегиши кишини қабрга, туяни эса қозонга киритади», деб айтганлар.

Ҳар бир мусулмонни бирор нарса мафтун қилса, унга барака тилаб дуо қилмоғи лозим. Ана шундай қилса, кўзи тегмайди. Барака дуоси бундай: *“Табарокаллоҳу аҳсанул холиқин. Аллоҳумма барик фийҳи”*.

Бирор кишининг кўзи тегиши маълум бўлса, зарарни дафъ қилиш учун у одамлар ҳузурига киришдан ман этилади.

Хукм танҳо Аллоҳ таолодадир. Мўмин фақат Аллоҳ таолога суяниши керак. Барча яхшиликларни берувчи, барча офатларни дафъ этувчи Аллоҳ таолодир.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН,
Анвар АҲМАД
тайёрлашди.

Инсонга тўғри йўл кўрсатилса, ёшлигидан яхши тарбия берилса, ҳалол касб ўргатилса, хулқи чиройли бўлади, ҳаёти ибратли кечади. Ёшлигида ўз ҳолига ташлаб қўйилган кимсалар адашиб кетишгани, ярамас ишлар қилиб, ота-онасини маломатга қолдиришгани, жамиятга зарар етказишганини биламиз.

Саодат асри бошида қатор ёш саҳобалар умри давомида жамият, оиласи учун кўп хизматлар қилишгани тарихдан маълум. Ўша даврда Муоз ибн Жабал ва Мусъаб ибн Умайр, Абу Мусо Ашъарий, Жаъфар ибн Абу Толиб, Усмон ибн Ҳувайрис, Усмон ибн Аффон, Абу Убайда, Абу Ҳурайра ва Умар ибн Хаттоб (барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин) йигирма-ўттиз ёшлар орасидаги йигитлар эди.

Каҳф сурасида бундай маъраҳамат қилинади: **“Улар Раббларига имон келтирган бир неча ёш йигитлар эди. Аллоҳ уларга ҳидоятни зиёда қилган йигитлардир”** (Каҳф, 13).

Иброҳим (алайҳиссалом) ва Мусо (алайҳиссалом) каби имонда барқарор турган, Юсуф (алайҳиссалом) ва Марям онамиз каби ёшликданок ифбатларини сақлаганлар Қуръони карим оятларида зикр этилишининг ҳикмати катта.

Яхши хислатлар беғубор қалбга чуқур ўрнашиб қолади. Бир ҳадиси шарифда: “Инсон бир гуноҳ иш қилса, унинг қалбида қора нуқ-

та пайдо бўлади. Агар гуноҳига пушаймон бўлиб, тавба қилса, ўша қора нуқта ўчиб кетади...” (Ибн Можжа ривояти) дейилган.

Аммо ёшлигида гуноҳга ботганлар ояту ҳадисда қайта-қайта огоҳлантирилган. Чунки бу дунёга олий мақсад билан келган инсон ёмон ишлардан тийилишни ёшлигидан бошлаши керак.



Ёшларимиз ибратли ҳаёт кечирган шахслардан ҳар бир ишда маслаҳат сўрашлари, насихатларини олишлари лозим. “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бир йигит келиб, бир ёмон иш қилиш учун рухсат сўради. У зот йигитни ёмонлик қилишдан қайтардилар ва кўксига қўллари қўйиб: “Аллоҳим! Бу йигитнинг гуноҳларини мағфират қил, қалбини покла ва номусини сақла”, деб дуо қилдилар. Йигит шундан кейин умрини яхшиликда ўтказди” (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, “Муснад”).

Толибжон НИЗОМ


ҲАВЛА БИНТИ САЪЛАБА

Улуғ саҳобия Ҳавла бинти Саълаба (розийаллоху анҳа) Ислом тарихида ном қолдирган машҳур аёллардан. У Расулulloҳга (соллаллоху алайҳи ва саллам) биринчилар қатори имон келтириб, машҳур саҳоба Авс ибн Сомитга турмушга чиққан эди.

Солиҳа аёл Ҳавла эрига вафодорлиги, бола тарбиясида сабри, матонати билан шуҳрат қозонган эди. Ҳавла зукко ва доно аёл бўлиб, оиласи, фарзандларидан меҳрини аямас, уларга чавандозликни, камондан ўқ отишни ўргатар эди. Машқлардан сўнг оналик меҳри жўш уриб, болаларининг кийимларидаги чангини қоқар, уларни эркалаб, елкаларини силар эди.

Тарихчилар Ҳавла билан боғлиқ машҳур воқеани манбаларда бундай ҳикоя қилишади:

«Жоҳилият даври одатларига кўра, эр аёлига «Сен менга онам кабисан», дейиши билан зиҳор содир бўлиб, хотинини талоқ қилар эди. Бир куни Авс ибн Сомит (розийаллоху анҳу) ғазабланган ҳолда Ҳавлага: «Сен менга онам кабисан», дея зиҳор қилди. Вақт ўтиб, ғазабидан тушган Авс ибн Сомит пушаймон бўлди: «Сени талоқ қилишни истамаган эдим, бироқ энди менга ҳаром бўлиб қолдинг», деб надомат чекди. Ҳавла эрига: «Мени талоқ қилганинг йўқку», деб эътироз билдирди. Авс бунга жавобан: «Сени зиҳор қилиб қўйдим, менинг ёшим катта, болаларимиз кўп, сен фаҳм-фаросатли аёлсан, менга ва болаларимга садоқатлисан. Аммо энди оиламиз бузилиб кетади, менинг кексалик туфайли адашганим бунга сабаб бўлди», деб афсус чекди. Ҳавла бинти Саълаба бу гапни айтиш учун дарҳол Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва



саллам) ҳузурларига шошилди. У зот Ойша онамизнинг ҳужраи саодатларида ўтирган эканлар. Ҳавла рухсат олиб кирганидан сўнг: «Эй Аллоҳнинг расули! Амакимнинг ўғли, болаларимнинг отаси, одамлар ичида менга суюкли кишидан бир кичик гуноҳ содир бўлди. Авс ибн Сомит ғазабланиб: «Сен менга онам кабисан», деб қўйди», деди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй Ҳавла, сен энди унга ҳаром бўлдинг», дедилар. Ҳавла эрини оқлаб: «Эй Аллоҳнинг расули, эрим кексайиб, ақли заифлашиб қолган, болаларим эса ёш, энди мен нима қиламан?» деб эридан айрилгиси келмаётганини билдирди. Пайғамбаримиз яна аввалги жавобни қайтардилар. Шунда Ҳавла бинти Саълаба йиғлаб Аллоҳ таолога бундай дуо қилди: «Аллоҳим, Сенга арз қиламан, мени бу мушкулотдан Ўзинг қутқар. Раббим, бу ишимизнинг ечимини Пайғамбаринг тилига Ўзинг туширгин».

Ойша онамиз (розийаллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: «Мен ҳам, бошқалар ҳам Ҳавланинг ҳолига ачиниб йиғладик. Шу пайт унинг илтижолари, оҳу фарёди Аллоҳ таолога етгани маълум бўлди. Аллоҳ таоло Ўз Ҳабибига етгинчи қат осмондан ваҳий тушириб, аёлни севинтирди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табассум қилиб, тушган оятни тиловат қилдилар: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ ўз жуфти ҳақида сиз билан баҳслашаётган ва Аллоҳга арз қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ икковингизнинг сўзлашувингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ Эшитувчи ва Кўрувчидир. Ораларингиздаги ўз хотинларини «зиҳор» қиладиган кишиларга улар (хотинлари асло) оналари эмасдирлар. Уларнинг (чин) оналари (уларни) туққан (аёл)лардир. Улар, ҳақиқатан, номақбул ва ёлгон сўз айтурлар. (Лекин) Аллоҳ Афв этувчи ва Кечиргувчидир» (Мужодала, 1-2).

Ҳавла бинти Саълаба айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эринга айт, бир қул озод қилсин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, унинг қули йўқ», дедим. Расули ақрам: «Икки ой пайдар-пай рўза тутсин», дедилар. Мен: «Аллоҳга қасамки, Авс кексайиб қолган, икки ой узлуксиз рўза тутишга қодир эмас», дедим. Шунда у зот бундай дедилар: «Олтмиш мискинни едириб-ичирсин». Мен Пайғамбарга (алайҳис-

салом) айтдим: «Аллоҳга қасамки, унинг ҳеч нарсаи йўқ». Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Унга бир замбил хурмо бераман», дедилар. Мен: «Унга бир замбил хурмода ёрдам бераман», дедим. Набий алайҳиссалом: «Энди бориб, амакингнинг ўғлига бу хушxabарни етказ», дедилар».

Ҳавла бинти Саълаба эрига бу хабарни айтганида Авс ниҳоятда севиниб кетди.

Ҳавла эрининг вафотидан кейин турмуш қурмади. У эрига кўп ачинар, доим унинг ҳаққига дуо қилар эди. Эрига Аллоҳдан мағфират тиларди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон Ҳавлани кўрсалар: «Ассалому алайкум, эй дуосини Аллоҳ ижобат этган аёл, эй сўзини Аллоҳ тинглаган аёл», деб саломлашар эдилар.

Бир куни Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳо) масжиддан қайтаётганида бир аёл йўлларини тўсиб чиқиб, насиҳат қила бошлади: «Эй Умар, сени бир вақтлар “Умарча” дейишарди, кейин “Умар” деб аталадиган бўлдинг. Бугун эса сени “мўминлар амири” дейишмоқда. Эй Умар, масъулият бобида Аллоҳ таолодан кўрқ, ким қиёмат кунидан кўрқса, ўша олис кун унга яқинлашиб қолади, ким ўлимдан кўрқса, ўткинчи нарсалар ҳам уни кўрқувга соладиган бўлади».

Ҳамроҳлари Ҳазрати Умарга: «Шу кампирнинг гапига қулоқ солиб ўтирибсизми?!» дейишди. Шунда Ҳазрати Умар: «Бу аёлнинг кимлигини билмайсизми? У Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла бинти Саълаба бўлади. Бу аёлнинг сўзини Аллоҳ таоло эшитган-у, Умар эшитмасинми?», дедилар.

Зиҳор муаммоси ҳал этилишида сабабчи бўлган тақводор, эрига вафодор бу аёл саҳобиялар ичида кўркам ва ифорли гул мисоли яшаб ўтди. Аллоҳ таоло ундан рози бўлсин!

«Нисоус солиҳот» китобидан
Ҳадичан Кубро мадрасаси ўқитувчиси
Пошшахон ЭШОНҲОН қизи
таржимаси



ИНСОН УМРИ АЗИЗДИР

Аллоҳ таолога чексиз ҳамду сано ва икки олам сарвари Пайғамбаримизга саловату саломларимиз бўлсин. Аллоҳ таоло барча махлуқотлар ичида инсонни мукаррам ва азиз қилди. Куръони каримда бундай дейилади: **“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик...”** (Исро, 70).

Бу ояти каримадан инсон нақадар улуг бир мавжудот экани англашилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёматгача бўлган умматларини рушду ҳидоятга бошлаш, нафс ва шайтон йўлларида қайтариш мақсадида сўнгги нафасларигача Куръон ва ҳадис таълимоти асосида иш олиб бордилар. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эслатинг (яъни, Сиз умматларингизга панду насиҳат қилаверинг)! Зеро, эслатма (бу ишингиз) мўминларга манфаат етказди”** (Зорриёт, 55). Ушбу ояти карима тушганида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) жуда хурсанд бўлганлар. Бу ҳол Сарвари Оламнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларга нақадар меҳрибон бўлганлари, бирорталарини ҳам гумроҳликда қолдирмасликка рағбатлари аломатидир.

Кейинги пайтларда юртимизнинг айрим жойларида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Аллоҳ таоло омонат берган жонни арзимаган сабаблар билан зое қилаётган кимсаларни огоҳлантириш бурчимиздир. Аллоҳ таоло бандасини Ўзи қўллашини **“...Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”** (Бақара, 153), дея маълум қилади. Ҳазрат Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Видо ҳажи хутбаларида мусулмонларга бундай деганлар: **“Эй одамлар, хоҳ ўзингизнинг ва хоҳ бир-бирингизнинг қонингизни тўкишингизни Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди. Шу билан бирга бир-бирларингизнинг мол-мулкларингизга тажовуз қилишни ҳам Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди.**

Ушбу арафа кунинда одам ўлдириш ва бошқалар жонига қасд қилиш қанчалик ҳаром бўлса, мол ва жонларингизга тажовуз қилиш ҳам шунчалик ҳаромдир”.

Бу хутбаларида Расули акрам (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир инсоннинг ҳаёт ва яшашга бўлган ҳуқуқи муқаддас эканини баён қилганлар. Шу билан бирга инсон ўз жонига ўзи қасд қилиши ҳаром ва қаттиқ гуноҳ эканини ҳам таъкидлаганлар.



Аллоҳ таоло амр этади: **“... Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг”** (Бақара, 195). Бухорий ва Муслим “Саҳиҳ” китобларида ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Ким тоғ тепасидан ташлаб ўзини ўзи ўлдирса, ўлганидан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар заҳар ичиб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлур. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, темир парчаси қорнига суқилган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади”**.

Имом Бухорий ривоят қилган бошқа қудсий ҳадисда бундай дейилган: **“Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”**.

Бандаси Аллоҳнинг тақдирига имон келтирган ҳолда бизга синов учун берилган ҳаётда учрайдиган айрим қийинчиликларга сабр-тоқат қилиши керак. Ҳаёт неъматининг қадрига етишимиз зарур. Бизга етган ҳар бир азият ва мусибатга яраша Аллоҳ таоло гуноҳларимизни кечиради, сабр-бардошимиз эвазига ажру савоблар ёзади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни тўғри йўлдан адаштирмасин.

Абдулазиз МАНСУР,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари



Кенгайтирилган мажлис

2008 йил 24 декабр куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг диний идоранинг 2008 йилги фаолияти ҳақидаги, Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсуповнинг ўтган ҳаж мавсуми (2008 йил) яқунлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, мажлисда диний идора фаолиятига доир турли масалалар муҳокама этилди.

килотчилари, имомлар, мударрислар мактаб ўқувчилари ва маҳаллалар аҳли даврасида маърифий суҳбатлар қуришди.

Тадбир иштирокчиси “Сайид Мухйиддин маҳдум” Ислом билим юрти мудири



БИР ЗИЁЛИ ЁН ОИЛАГА МАЪНАВИЙ ҲОМИЙ

Баъзи камчиликларни бартараф этиш, иш самарасини янада ошириш юзасидан мажлис охирида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қорилар мусобақаси

17 декабр куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти талабалари орасида қорилар мусобақасининг биринчи босқичи яқунланди. Натижаларга кўра талабалардан Ҳасан ва Ҳусан Абдулмажидовлар, Қосим Каримов, Муҳаммад Бобур Муҳиддинов, Муҳаммад Амин Мадумаров мураттаб қорилар, Муҳаммад Сиддиқ Собиров, Муҳаммадий Абдурахимов, Насрулло Алихонов, Алишер Султонхўжаев, Толиб Мамажонов мужаввид қорилар кўригида юқори ўринларни эгаллашди. Қориялар танловида эса Гулчехра Сиддиқова, Зулфия Одилова, Ҳафиза Зоирова, Ирода Нурмухаммедова, Санобар Муҳаммадхўжаева, Маҳбуба Собирова, Моҳинур Абдумаликоваларнинг билим ва иқтидорлари юқори баҳоланди.

Андижонда**маърифатпарварлик ҳаракати**

17-19 декабр кунлари Андижон вилоятининг Пахтаобод, Избоскан, Бўз, Балиқчи ва Хўжаобод туманларида “Бир зиёли ён оиллага маънавий ҳомий” маърифатпарварлик ҳаракати кунлари ўтказилди. Тадбирда қатнашган вилоятнинг маънавий-маърифий соҳа таш-

Зиёвуддин Мирсодиқов мазкур учрашувларда миссионерлик, қўпоровчилик, мутаассиб-



ликнинг зарарли оқибатларидан кишиларни огоҳ этди.

Беллашишди

Декабр ойининг тўртинчи куни Фахриддин Розий номидаги мадрасасида Муҳаммад Беруний номидаги мадраса талабалари меҳмон бўлишди. Икки билим юрти талабалари Куръони карим, фикҳ, араб тили, маънавият асослари бўйича мусобақалашди. Адабиёт, санъат бўйича истеъдодларини намойиш этишди. Натижаларга кўра, Фахриддин Розий номидаги мадраса талабалари голиб деб топилди.

Акбар ДЎСТМАТОВ

ОЯТЛАРНИНГ ТУШИШ САБАБЛАРИ

Оли Имрон сурасидан

144–145-оятлар. “Муҳаммад фақат бир Пайгамбардир, холос. Ундан илгари ҳам пайгамбарлар ўтган. Бас, агар у (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) — вафот қилса ёки ўлдирилса, ортга (куфрга) қайтиб кетасизларми?! Кимда-ким қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас (балки фақат ўзига зарар қилади, холос). Аллоҳ эса (йўлларида қайтмай) шукр қилгучи бандларини муносиб мукофотлайди. Ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни билан, аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлим топади. Ким дунё савобини истаса, унга истаган нарсасини берурмиз. Ким охират савобини истаса, унга-да истаган нарсасини берурмиз. Ва шукр қилгучиларни муносиб мукофатлаймиз”.

Атия Авфий айтади: «Уҳудда мусулмонлар енгилешгач, баъзи одамлар: “Муҳаммад мағлуб бўлди. Уларга (мушрикларга) қўлингизни берингиз. Ахир улар ўз ака-укаларингиз-ку”, дейишди. Баъзилар эса: “Агар Муҳаммад ўлган бўлса, пайгамбарингиз юрган йўлдан унга эргашиб юрмайсизми?” дейишди. Шунда мазкур оятлар тушди».

179-оят. “Аллоҳ мўминларни мана шу ҳолатда ташлаб қўювчи эмас. Ҳали У (Уҳудда мунофиқларни мўминлардан ажратиб қўйгани каби) нопокни покдан ажратади. Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Аллоҳ пайгамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур (ва уни ғойибдан хабардор, огоҳ қилур). Бас, Аллоҳга ва пайгамбарларига имон келтирингиз! Агар имон келтириб, Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун улуг ажр-мукофот бордир”.

Суддий айтади: «Расулulloҳ (соллалoҳу алайҳи ва салoам): “Худди Одамга (алайҳиссалом) кўрсатилганидек, менга ҳам умматим кўрсатилди. Ким менга имон келтиргани, ким келтирмагани билдирилди”, дедилар. Бу хабар мунофиқларга етгач, масхара қилишиб: “Муҳаммад ким унга имон келтиргани, ким келтирмаганини биламан, деб

ўйлапти. Биз у билан бирга юрибмиз, у бўлса бизнинг кимлигимизни билмайди”, дейишди. Шунда мазкур оят туширилди.

Калбий айтади: «Қурайшликлар: “Эй Муҳаммад, ким сенга қарши бўлса, дўзахда бўлади ва Аллоҳ унга ғазаб қилади, ким сенга эргашса, у жаннатда бўлиб, Аллоҳ ундан рози бўлади, деб ўйлапсанми? Ундай бўлса, сенга имон келтирган ва имон келтирмаган кишининг хабарини бер-чи”, дейишди. Шунда мазкур оят туширилди.

Абу Алия айтади: «Мўминлар мунофиқ билан мўминнинг орасини ажратиб турадиган бир белги-аломат беришини сўрашганида шу оят туширилди».

180-оят. “Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (закотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари Қиёмат кунинда бўйинларига ўралажак! (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлару Ер мерос бўлиб, Аллоҳнинг Ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”.

Барча муфассирлар, бу оят закот бермайдиганлар ҳақида тушган, дейишади.

181-оят. “Албатта, Аллоҳ “Аллоҳ камбағал, бизлар боймиз”, деган кимсаларнинг сўзини эшитди. Уларнинг айтган гапларини ва пайгамбарларини ноҳақ ўлдирганларини ёзиб қўюрмиз...”

Икрима, Суддий, Муқотил, Муҳаммад ибн Исҳоқ айтишади: «Бир кун Ибу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу) яхуд мактабларидан бирига кирди. Улар Фанҳос ибн Азуро деган киши атрофида тўпланиб туришган эди. Абу Бакр Фанҳосга: “Аллоҳдан қўрқ, Исломга кир! Аллоҳга қасамки, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканини аниқ биласан. У сизларга ҳақни келтирди. Аллоҳ ҳузуридан пайгамбар келиши Тавротда ёзилганини ҳам биласан. Шундай экан, имон келтир ва тасдиқла. Аллоҳга қарзи ҳасана бер,

* Охири. Бошланиши ўтган сонларда.



сени жаннатга киргизади, савобингни кўпайтириб, икки баробар қилиб қайтаради”, дедилар. Шунда Фанҳос айтди: “Эй Абу Бакр, Раббимиз биздан молимизни қарзга сўрайдими? Фақир киши бойдан қарз сўрайди-ку? Агар сен айтаётган гап ҳақ бўлса, Аллоҳ фақирдир, биз боймиз. Агар бой бўлганида биздан молимизни қарзга сўрамасди”. Абу Бакр бундан газабланди ва Фанҳосга деди: “Нафсим измида бўлган Зотга қасамки, орамиздаги аҳд бўлмаганида, эй Аллоҳнинг душмани, бўйнингга урардим”. Фанҳос Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шикоят қилди. У зот Абу Бакрдан сабабинини сўрадилар. Абу Бакр: “Бу Аллоҳнинг душмани жуда хунук гап айтди: Аллоҳ фақир, булар эса бой эмиш. Шунинг учун газабландим”, деди. Фанҳос айтганини бўйнига олмади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Фанҳосни рад қилиб, Абу Бакрни тасдиқ этди».

186-оят. “(Эй мўминлар,) **албатта молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар** (яъни, Аллоҳ таоло мол ва жонларингизга хилма-хил офату балолар юбориб, сизларнинг имонингизни текшириб кўрар) **ва албатта сизлардан илгари Китоб берилган кимсалар томонидан ва ширк келтирганлар томонидан кўп азият-маломатлар эшитажаксизлар. Агар** (озорларига) **сабр-тоқат қилсангиз ва Аллоҳдан кўрқсангиз** (нажот топурсиз). **Чунки бу иш** (яъни, сабр-тоқатли бўлиб, Аллоҳдан кўрқиш) **ишларнинг мақсадга мувофиқдир”**.


Каъб ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларида мусулмонларнинг ҳамма билан тинч-тотув яшашини хоҳлардилар. Лекин мушриклар мусулмонларга қаттиқ азиятлар етказишарди. Шунда Аллоҳ бу синовларга сабр қилишга буюрди».

Зухрий Урва ибн Зубайрдан, у киши Усома ибн Зайддан ривоят қилади: «Бу воқеа Бадрдан олдин бўлган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) эшакка миниб, ортларига Усома ибн Зайдни ҳам мингаштирдилар ва бани Ҳорис ибн Ҳазраждаги Саид ибн Убодани кўргани йўлга чиқдилар. Йўлда бир тўп одамлар ўтирган жойдан ўтиб қолдилар. Абдуллоҳ ибн Абу Равоҳа, ҳали Исломни қабул қилмаган Абдуллоҳ ибн Убай ҳам шу ерда эди. Эшак туёғидан кўтарилган чанг уларга етгач, Абдуллоҳ ибн Убай ридоси билан бурнини беркитди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уловни тўхтатиб, салом бердилар ва тушиб, уларни Аллоҳга имон келтиришга чақирдилар. Қуръон ўқиб бердилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай: “Эй киши, сен яхши гапларни айтяпсан, агар гапларинг ҳақ бўлса, унда нима учун бу гапларинг билан бизга азият етказиб, мажлисимизни буздинг? Йўлингдан қолма. Ким сенинг олдинга борса, ўшанга гапиргин”, деди. Буни эшитиб Абдуллоҳ ибн Абу Равоҳа: “Асло ундай эмас, Расулulloҳ, бу гапларни мана шундай мажлисларимизда гапиринг, биз шуни хоҳлаيمиз”, деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кутиб, сабр қилиб турдилар. Шундан сўнг эшакларига миниб, Саъд ибн Убоданикига йўл олдилар. Етиб боргач унга: “Эй Саъд, Абу Ҳаббоб (Абдуллоҳ ибн Убай) нима деганини эшитдингми?” дедилар-да, йўлдаги воқеани айтиб бердилар. Саъд ибн Убода эса: “Расулulloҳ, уни кечиринг, афв қилинг. Сизга китоб туширган Зотга қасамки, Аллоҳ сиз орқали ҳақни келтирди”, деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абдуллоҳ ибн Убайни кечирдилар. Шунда мазкур оят туширилди».

188-оят. “(Эй Муҳаммад,) **сиз ҳаргиз қилган ишлари** (яъни, одамларни ҳақ йўлдан адаштиришлари) **билан хурсанд бўладиган ва қилмаган ишлари билан мақтовлар эшитишни яхши кўрадиган кимсалар азобдан йироқ маконда, деб ўйламанг!..”**

Абу Саид Худрий айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшин билан сафарга чиқсалар, бир гуруҳ мунофиқлар у киши билан



боришмасди. Қайтганларидан кейин эса, узр айтиб, қасам ичишар, қилмаган ишлари билан мақтанишни яхши кўришар эди. Шунда ушбу оят тушди» (*Имом Муслим ривояти*).

Язид ибн Аслам айтади: «Мадина амири Марвон ибн Ҳакамнинг ҳузурда Абу Саид Худрий, Зайд ибн Собит ва Рофиъ ибн Худайжлар ўтиришган эди. Марвон: “Эй Абу Саид, Аллоҳнинг **“Сиз ҳаргиз қилган ишлари** (яъни, одамларни ҳақ йўлдан адаштиришлари) **билан хурсанд бўладиган ва қилмаган ишлари билан мақтовлар эшитишни яхши кўрадиган кимсалар...**” ояти ҳақида нима дейсиз? Аллоҳга қасамки, биз қилган ишимиз билан хурсанд бўламиз, қилмаган амалларимиз учун мақтанишни яхши кўрамиз”, деди. Шунда Абу Саид: “Бу оят бу ҳақда эмас, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида баъзи одамлар саҳобаларга мусибат етса, хурсанд бўлишарди. Саҳобалар ғолиб бўлишса, қасам ичиб, (уларга узр айтишарди) қилмаган ишлари билан мақтанишни хоҳлашарди”, деди».

Алқама ибн Ваққос айтади: «Марвон эшикбони Рофиъга: “Ибн Аббосга бориб, агар одам қилган иши билан хурсанд бўлса ва қилмаган иши билан мақтанишни яхши кўрса, азобга тутиладими, деб сўра”, деб буюрди. Абу Рофиъ Ибн Аббосга (розийаллоҳу анҳу) бу хабарни етказганида: “Сизлар бу оятни нега бундай тушунапсизлар? Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бани Курайза олимларини чақириб, айрим нарсалар ҳақида сўрадилар. Улар ҳақни яшириб, ўзгартириб жавоб беришди ва саволларга жавоб беришгани учун ўзларини мақтов кутаётгандек қилиб кўрсатишди. Қилган ишларидан, яъни, ҳақни яширганларидан хурсанд бўлишди, — деди Ибн Аббос ва ушбу оятни ўқиди: **“Ўшанда Аллоҳ Китоб берилганлардан уни инсонларга очиқ баён қилиб берасиз, деб аҳд олган эди”**» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

190-оят. «Албатта, осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилини туришида ақл эгалари учун (Яратувчи ва Бошқариб турувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар бордир».



Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Ширк эгалари яҳудлар олдига бориб: “Мусо сизларга қандай оят, мўъжизалар келтирган?” дейишди. Улар: “Унинг ҳассаси ва кўрувчилар учун оппоқ кўринган қўли”, дейишди. Кейин насоролар олдига боришиб: “Исо нима иш қиларди?” деб сўрашди. Улар: “Кўр ва пелларни тузатарди, ўликларни тирилтирарди”, дейишди. Кейин Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Раббингга дуо қил! Сафо тоғини олтинга айлантириб берсин”, дейишди. Шунда мазкур оят тушди.

195-оят. **“Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб** (дейди): **“Албатта, Мен сизлардан бирон амал қилгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсиз** (яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган). **Бас, эзгу амалларга ҳижрат қилган ...зотларнинг қилган гуноҳларини ўчираман ва уларни тағларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритаман. Бу Аллоҳ ҳузурдан бўлган савоб — мукофот бўлади. Зеро, энг гўзал мукофат Аллоҳнинг ҳузурдадир”**.

Салама ибн Амр онаси Умму Салама Расулulloҳга (алайҳиссалом) шу хусусда савол берганида мазкур оят туширилганини айтади (*Имом Ҳоким*).

199-оят. **“Албатта, аҳли Китоб ичида Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган нарсага — (Куръонга) ҳам, ўзларига нозил қилинган нарсага (Тавротга, Инжилга) ҳам имон келтирадиган, Аллоҳга итоат қилиб бош эгадиган, Аллоҳнинг оятларини озгина қийматга сотиб юбормайдиган зотлар ҳам бор экани аниқ-равшандир. Ана ўшалар учун Парвардигорлари ҳузурда ажру савоб бордир. Албатта, Аллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир”**.

Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас, Ибн Аббос Қатода (розийаллоҳу анҳум) айтишади: «Бу оят Нажший ҳақида тушган. У оламдан ўтгач, Жаброил (алайҳиссалом) Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша куннинг ўзида бунинг хабарини етказди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: “Чикинлар! Сизларнинг ерингиз-



дан бошқа ерда вафот этган биродарингизга жаноза намозини ўқинглар”, дедилар. Улар “Ким экан у?” деб сўрашганида: “Нажоший вафот этди”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бақиъ қабристонига чиқдилар. У кишига Мадинадан Ҳабашистон ерларигача кўрсатилди. Нажошийнинг тобутини кўрдилар ва тўрт такбир билан жаноза намозини ўқиб, ҳаққига истиғфор айтдилар. Сўнг асҳобларига ҳам истиғфор айтишни буюрдилар. Мунофиқлар: “Буни қаранглар, ҳеч қачон кўрмаган бир ҳабаш насронийга жаноза намози ўқияпти. У бунинг динида бўлмаса”, дейишди. Шунда Аллоҳ таоло мазкур оятни туширди. Мужоҳид, ибн Журайж ва ибн Зайд айтишади: “Бу оят имон келтирган аҳли китобларнинг барчаси учун тушган”.

200-оят. “Эй мўминлар, сабр қилинглр ва сабру тоқат қилишда (мушриклардан) устун бўлинглар ҳамда доимо белларинг боғлиқ (ҳолда ҳозир) бўлиб туринглр! Ва Аллоҳдан кўрқинглрким, (шунда) шояд нажот тошгайсизлар!”

Довуд ибн Солиҳ айтади: «Абу Салама ибн Абдурахмон менга: “Эй биродаримнинг ўғли, бу оят нима сабаб билан тушганини биласанми?” деди. Мен: “Йўқ”, дедим. У киши: “Эй биродаримнинг ўғли, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида белни боғлаб шай бўлиб, пойлаб туриладиган бирор нарса йўқ эди. Лекин бир намоздан кейин бошқасини кутишгина бор эди”, деди» (Имом Ҳоким ривояти).

“Асбобун нузул” китобидан
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби
Анвар ТУРСУН
таржимаси

Ҳасан Басрийнинг олдиларига бир одам келиб, қурғоқчиликдан шикоят қилди. “Истиғфор айт!” дедилар. Яна бир одам келиб, фақирлигидан арз қилди. Унга ҳам: “Истиғфор айт!” дедилар. Бошқа бир одам келди ва фарзанди йўқлигини айтиб, маслаҳат сўради. Унга ҳам истиғфор айтишни буюрдилар. Одамлар бунинг сабабини сўрашганида, ушбу оятни

Абу Мусодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида қуёш тутилди. Пайғамбар (алайҳиссалом) кўрқиб



МАҚСАДГА ЕТИШТИРУВЧИ АМАЛ

ўқидилар: «**Мен дедим: “Раббингизга истиғфор айтинг, У Фаффордир, сизларга осмондан шаррос ёмғирлар ёғдиради, молу дунё ва зурриётлар билан сизларни қувватлантиради, сизларга боғу роғлар ва дарёлар ато қилади”**» (Нух, 10-12).

Гуноҳни мағфират этишини, кечиришини, ўчиришини сўраб Аллоҳга ёлвориш истиғфордир.

Кечирим сўраган одам камчиликларини тан олиб, Аллоҳ олдида гуноҳкор эканини эътироф этган бўлади. Бу иши эса унинг Аллоҳ хузурда хокисорлигини, инсонлар олдида камтарлигини оширади. Бу дунё имтиҳон дунёси.

Ҳадисларда намоздан кейин, мажлислар ва суҳбатлар сўнгида, ташвишли ҳодисалар юз берганида истиғфор айтишга тарғиб қилинади. Истиғфор айтиш билан ибодатлар ва сўзларда содир бўлган хато ва гуноҳлар кечирилади.

ўринларидан турдилар ва масжидга келиб, қиём, руку ва саждалари ниҳоятда узун намоз ўқидилар. Мен ҳеч қачон бундай қилганларини кўрмаган эдим. Кейин айтдилар: “Бу аломатлар бировнинг ўлими ёки ҳаёти учун содир бўлмайди. Лекин Аллоҳ булар билан бандаларини огоҳ қилади. Бас, агар бу ишлардан биронтасини кўрсаларинг, Уни ёд этинглр, Унга илтижо қилишга ва истиғфор айтишга шошилинглр» (Бухорий ривояти).

“Бу ҳадисда қуёш тутилганида ва бошқа шу каби ҳолатларда истиғфор айтишга тарғиб бор. Чунки истиғфор балоларни даф этиш омилларидан биридир” (“Фатҳул Борий”).

Кўп истиғфор айтиш, ахлоқ ва ақлнинг юксалишига, ўзи, оиласи ва яқинларининг балолардан омон бўлишига сабаб, мол-мулкига барака кириб, яшаётган ерининг офатлардан сақланишига боис бўлади.

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ

ҲИДОЯ

Азон боби

“Азон беш маҳал намозга ва жумага суннатдир, ўзгаларига эмас”.

Бу ҳукм мутаватир ҳадисларга кўра чиқарилган.

«Азоннинг тарзи маълумдир».

У осмондан тушган фаришта айтган азоннинг ўзидир.

«Унда таржиъ йўқдир».

“Таржиъ” икки шаҳодат калимасини паст овозда айтиб, кейин баланд овозда қайтаришдир.

«Бомдод азонида “фалаҳ”дан сўнг «Ассолату хойрум минан навм»ни¹ икки марта айтади.

Чунки Билол (розийаллоҳу анҳу) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ухлаётганларини кўриб, икки бор: “Ассолату хойрум минан навм” деганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу қандай ҳам яхши! Билол, уни азонга кўшиб айт», деганлар.

У сўзлар фақат бомдод азонида кўшилади. Чунки тонг палласи уйқу ва ғафлат босадиган вақтдир.

«Иқомат азонга ўхшаш, бироқ “фалаҳ”дан сўнг икки марта «қод қоматис солаҳ»ни айтади».

Осмондан тушган фаришта шундай айтгани машҳурдир.

«Азонни бўлиб-бўлиб айтади, иқоматни бўлмайд айтилади»².

Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билолга (розийаллоҳу анҳу): «Азон

айтсанг, бўлиб-бўлиб айт, иқомат айтсанг, бўлмайд айт», деганлар. Бу буйруқ мустаҳабни англатади.

«Уларда³ қиблага юзланади».

Чунки осмондан тушган фаришта қиблага юзланиб азон айтган. Қиблага юзланмаса ҳам, мақсад ҳосил бўлгани учун, бўлади. Лекин суннатга зидлиги боис макруҳ бўлади.

«Ҳаййа ғалас солаҳ» ва «ҳаййа ғалал фалаҳ» калималарини айтаётганида юзини ўнг ва чап томонларга қаратади».

Чунки бу калималар одамларга хитобдир, шу боис уларга юзланади.

«Агар мезанада айланиб айтса, яхши бўлади».

Бунда мезана кенг бўлиб суннат бўлганидай оёқлари жойида туриб, юзини ўнгга ва чапга бургани билан овозини етказолмайдиган ҳолат кўзда тутилган. Аммо ҳожат бўлмаса, айланмайди.


“Муаззин икки бармоғини икки қулоғига киргизиши афзал».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билолга ана шундай қилишни буюрганлар, чунки бу ҳолда товуш баланд чиқади.

«Агар ундай қилмаса ҳам, яхши»⁴.

Чунки бу амал аслий суннат эмас.

«Шом намозидан бошқа намозлар азони билан иқомати



орасида муаззин ўтиради — бу Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) наздларидадир. Абу Юсуф билан имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) шомда ҳам озгина ўтиради, дейишган».

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) далиллари бундай: шомни кечиктириш макруҳ, бинобарин, макруҳдан сақланиш учун энг оз ажратиш билан чекланади. Бу масаламизда ўрин⁵ бир хил эмас. Шунингдек, оҳанг ҳам турличадир. Шундай экан, тин олиш билан ажратиш бўлади.

«Яқуб⁶: “Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) шомга азон айтиб, азон билан иқомат орасида ўтирмай, иқомат айтганларини кўрдим”, деганлар».

Бу гап биз айтганни ва муаззиннинг суннатни яхши билиши мустаҳаблигини ифодалайди. Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга яхшиларингиз азон айтсин», деганлар:

«Қазо намозларга азон ва иқомат айтилади».

Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир таърир⁷ кечаси бомдоднинг қазосини азон ва иқомат билан ўқиганлар.

«Агар бир қанча намозларни қазо қилган бўлса, биринчисига азон ва иқомат айтади».

«Қолганларида ихтиёрлидир: хоҳласа, азон ва иқомат айтади...».

«Хоҳласа, иқомат билан кифояланади».

Чунки азон одамларни чорлаш учундир. Бунда одамлар ҳозир туришибди.

Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Муҳаммаддан (раҳимаҳуллоҳ) “Қолганларига иқомат айтади”, деганлари ривоят қилинган».

Бу гап мужтаҳидлардан ҳам-маларининг гапи бўлиши мумкин, дейишган фуқоҳолар.

«Азон ва иқоматни таҳорат билан айтиш керак. Таҳорати бўлмаган ҳолда азон айтса ҳам, бўлади».

Чунки азон зикрдир, намоз эмас. Қироатни таҳорат билан қилиш каби, азонни таҳорат билан айтиш мустаҳабдир.

«Таҳорати бўлмаган ҳолда иқомат айтиш макруҳдир».

Чунки бу ҳолда иқомат билан намоз орасида узилиш бўлади. Бир ривоятда, иқомат ҳам макруҳ бўлмайди, чунки иқомат ҳам азоннинг биридир, дейилган. Бир ривоятда, азон⁸ ҳам макруҳ бўлади, муаззин ўзи жавоб бермаган чақириққа бошқаларни чорлаган бўлади, дейилган.

«Жунуб ҳолда азон айтиш макруҳдир».

Бу ҳукм ҳамма ривоятда таъкидланган. Бир ривоятга биноан фарқ⁹ боиси: азоннинг намозга ўхшаш жиҳати бор, шунинг учун ўхшаш жиҳати эътиборга олиниб, икки ҳадаснинг¹⁰ энгилдан эмас, оғиридан¹¹ пок бўлиши шарт.

“Жомиъус сағир”да бундай дейилган: «Агар таҳорати бўлмай, азон билан иқомат айтса, қайтиб айтмайди. Жунуб ҳолда айтилган азонни қайтиб айтиши мен учун суюклидир».

«Намозга вақти кирмасидан олдин азон айтилмайди. Вақтида қайта айтилади»¹².

Чунки азон чақириқдир. Вақтидан олдингиси чалғитиш бўлади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билолга (розийаллоҳу анху) қараб: «Сизга тонг бундай аниқ бўлмагунича азон айтманг», деб қўлларини ёнларига чўзганлар.

«Мусофир азон ҳам, иқомат ҳам айтади».

Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу

Мулайканинг икки ўғлига: «Агар сафарга чиқсаларинг, азон ва иқомат айтинглар», деганлар.

«Мусофир азон ҳам, иқомат ҳам айтмаса, макруҳ бўлади».

Агар иқомат билан кифояланса, бўлади. Чунки азон ҳозир бўлмаганларни чорлаш учундир. Унинг йўлдошлари эса ҳозир туришибди. Иқомат намознинг бошланганини билдириш учундир. Улар иқоматга муҳтож.

«Агар шаҳарда¹³ уйида намоз ўқиса, азон ва такбир билан намоз ўқийди».

Бу ҳол намоз жамоат шаклига мувофиқ ўқилиши учундир.

«Агар иккисини ҳам айтмаса, бўлади».

Чунки ибн Масъуд (розийаллоҳу анху): «Маҳалланинг азони бизга кифоя қилади», деганлар.

¹ “Намоз уйқудан яхшидир”.

² «Аллоҳу акбар» бир калимадир. Муаззин азоннинг бир калимасини айтгач, бир оз тин олади, кейин иккинчи калимасини айтади. Иқомат калималарини орада тўхтамай айтади.

³ Азон ва иқоматни айтишда.

⁴ Бармоқларни қулоққа тиқиб айтиш афзал, бармоқларни қулоққа тиқмай айтса ҳам яхши.

⁵ Азон ва иқомат айтиладиган ўринлар.

⁶ Абу Юсуф.

⁷ Кечанинг охирида дам олишга тўхташ..

⁸ Таҳорати бўлмай айтилса.

⁹ Таҳорати бўлмай азон айтиш макруҳ бўлмайди, деган ривоят билан жунуб ҳолда азон айтишнинг макруҳ бўлиши ўртасидаги фарқ.


¹⁰ Жунублик ва таҳорати йўқлик ҳолатининг.

¹¹ Жунубликдан.

¹² Вақтидан олдин айтилган бўлса.

¹³ Аҳоли тўп яшайдиган жойда.

ФИЛИППИН РЕСПУБЛИКАСИ



Майдони: 300 минг кв. км.
Аҳолиси: 77,2 миллион киши.
Пойтахти: Манила шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 74 та вилоятдан иборат.

Йирик шаҳарлари: Кесон Сити, Давао, Себу, Багио.

Пул бирлиги: филиппин песоси.



1521 йили Магеллан бошлиқ испан саёҳатчилари Филиппин ороларини топиб, уларни «Сан Ласаро ороллари» деб номлади. Ўн олтинчи аср охири-ўн еттинчи аср бошларида бу ерда Испания ҳукмронлиги ўрнатилди.

1898 йил апрелида АҚШ испан ерларини босиб олиш учун уруш очди. Шу йилнинг 12 июнида Кавит шаҳрида Филиппин мустақил деб эълон қилинди. Аммо орадан олти ой ўтмаёқ АҚШ ҳукумати унинг мустақиллигини назар-

га илмай, Испания билан сулҳ шартномаси имзолади. Унга кўра, Испания Филиппинни йигирма минг доллар бадалига Америка Қўшма Штатларига «сотиб юборди».

Йигирманчи аср бошларига келиб, майда гуруҳларга бўлиниб кетган Филиппин мунтазам армияси мамлакат озодлиги учун партизанлик уруши бошлаб юборди. 1934

йилги халқаро битимга мувофиқ унга мухторият берилди ва ўн йиллик ўтиш давридан кейин мустақиллик беришга ваъда қилинди. Бироқ 1941 йил декабрда япон қўшинлари мамлакатга бостириб кириб, бу ерда зўравонлик тузумини ўрнатишди. 1944 йил октябрда маҳаллий партизанлар америка қўшинларига салмоқли ёрдам беришди. Ик-

Милоддан олдинги биринчи мингйилликда олдин Ҳинди-хитойдан, кейинроқ Индонезиядан одамлар кўчиб келиб, ҳозирги Филиппин тупроқларига ўрнаша бошлашган. Милоднинг ўнинчи асрида эса Филиппин Хитой ва жануби-шарқий Осиё мамлакатлари, аynиқса, Индонезия билан савдо алоқаларини кенгайтirdи. Лекин ўн бешинчи-ўн олтинчи асрларда ҳам мамлакат анча қолоқ эди. Филиппин жануби ва ғарбидаги Лусон, Себу, Сулу оролларида илк феодал тузуми мавжуд бўлиб, ўша даврда бу ўлкаларга Индонезия орқали Ислом дини кириб келди. Бу ерда майда тарқоқ князликлар тузилди. Сулу оролларида Холо султонлиги ташкил топди.





кинчи жаҳон урушидан сўнг миллий-озодлик ҳаракати авж олди. 1946 йилнинг 4 июлида Филиппин халқи орзиқиб кутилган мустақилликка эришди.

Филиппиннинг саноати ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам барабар тараққий этган. Айниқса, саноатнинг машина-созлик, кимё, радиоэлектроника, тўқимачилик, тикувчилик каби тармоқлари яхши ривожланган. Мамлакат заминидан кўмир, мис, темир, марганес, никел, рух, симоб, олтин, хром, кумуш каби бойликлар қазиб олинади. Қимматбаҳо тропик ёғоч, ҳунармандлик буюмлари тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалигида кокос палмаси, агава, тамаки, шакарқамиш, ерёнғоқ, қаҳва, какао, сабзавот, тропик ва ситрус мевалар етиштирилади. Балиқчилик ҳам жадал ривожланыпти.

Чет элларга электрон саноати маҳсулотлари, маши-

на ва ускуналар, кимё, ёғоч, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шакар, кийим-кечак сотилади. Четдан нефт ва газ, саноат моллари, тола, озиқ-овқат сотиб олинади. Асосан Сингапур, Япония, Тайван, Жанубий Курия ва АҚШ билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

Мамлакат аҳолисининг тўқсон беш фоизи малайлар, қолгани хитойлар, америкаликлар, испанлар, моро ва ҳиндулардан иборат. Бу ерда турли дин вакиллари учратиш мумкин.

Филиппинда Ислом дини яхши ривожланыпти. Social Weather Research Group ташкилоти маълумотларига кўра, ойига 20–25 киши Исломга қирипти, булар орасида маҳаллий насроний роҳиблар ҳам талайгина. Тадқиқотлардан ҳозир филиппинликларнинг 66 фоизи Исломга хайрхоҳлигини изҳор этаётгани кўринади. Тўрт йил илгари бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этган эди.

Олий палата – Сенатда мусулмонларнинг уч вакили улар манфаатини ҳимоя қилади. Мамлакатнинг етакчи нашрларидан Manila Times



газетаси Филиппиннинг Ислом бешиги саналган Минданао шаҳрида мусулмонлар учун алоҳида ойлик илова нашрини чиқара бошлади. Илованинг илк сонида «Бу нашр ўз ўқувчиларига филиппинлик мусулмонлар оламига кириш учун эшик вазифасини ўтайди», деган сўзларни ўқиш мумкин.

Филиппин ҳукумати Ислом Конференсияси Ташкилотиде кузатувчи сифатида қатнашишга ариза берган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



Бу йил ҳам беш минг нафар юртдошимиз муборак ҳаж сафарига бориб келди. Қуйида айримларининг таассуротлари билан танишасиз.

КАЪБАНИ ТАВОФ ЭТГАННИНГ ҚАЛБИ ЮМШАЙДИ

Раҳима

АБДУЛЛАЕВА:

— Аллоҳ таолога беҳад шукр. Бу улуг ибодатни адо этиш на-
сиб қилди. Аввал Мадинада Пай-
гамбаримиз (алайҳисса-
лом) равзаларини зиёрат
қилдик. Кейин Маккага
келдик. Хуллас, таассурот-
лар жуда бой. Шу кунлар-
га етказганига Яратганга
шукр.

Насиба

ЛУТФУЛЛАЕВА:

— Алҳамдулиллоҳ,
Парвардигор ҳаж ибодати-
мизни қабул қилсин, зиё-
ратларимиз савобларини
кўпайтириб берсин.

Шароитларимиз яхши,
ҳамма нарса етарли бўлди,
ибодат иштиёқи билан
кунларимиз ўтди. Ҳажда
дунё ташвишлари, беҳуда
ўй-хаёллар, кераксиз ор-
зулар ўз-ўзидан чекина-
р экан. Беихтиёр Аллоҳнинг
беҳисоб неъматлари
ҳақида фикр қилиб,
ақлингиз чархланар, қал-
бингиз губорларини
тўкиб, фақат шукр қилар
экансиз. Гапим қуруқ
бўлмаслиги учун ўзим кечир-
ган биргина ҳолат ҳақида айта-
қолай.

Арафотдан кечга яқин Муз-
далифага етиб, шу жойда тунаб
қолдик. Саҳар уйқум қочди. Бир
зум тевааракка разм солдим.
Ҳориган ҳожиларимиз уйқуда.

Ҳализамон уйғонишади. Аллоҳ
таолонинг оламларни яратгани,
ҳаммамиз Одам зурриёти эка-
нимиз, бу ерга ҳам бир мақ-
садда жамланганимиз ва яна

вужудим, бутун юрагим Ярат-
ганнинг нурига фарқ эди. Ўзга-
ча бир лаззатбахш сурурдан қалб
юмшаган, саодатдан йиғлар
эдим. Ҳар қандай кишининг
ҳам қалби бу ерда юм-
шамаслиги мумкин эмас.

Ҳаж, назаримда, улуг
шифохонага ўхшади. Хато-
кор инсон кўпинча кибр-
га кетиб, ўзини бошқалар-
дан афзал кўрсатишга ури-
нади. “Бу оқ, бу қора” деб
айиради, “мен бу жойдан,
у бошқа жойдан” дея фарқ-
лайди, миллатчилик қила-
ди. Аллоҳ таоло ҳузурда
инсон фақатгина яхши
амали, чиройли хулқи би-
лангина мукаррам бўлиши
ҳажда англлар экан. Итали-
ядан, Покистондан келган
ҳожилар билан таниш-
дим, ихлос билан астой-
дил қилаётган ибодатла-
ри, гўзал муомаласи, му-
сулмонга хос фазилатла-
ри юрагимни тўлқинлан-
тирди.

Ўктамхон

АБДУЛЛАЕВА:


— Турмуш ўртоғим
эрта вафот этдилар. Бир
ўзим ёш-ёш беш бола — тўрт
ўғил, бир қизни едириб-ичи-
ришим, кийинтиришим, тарби-
ялашим керак бўлди. Бунинг ус-
тига, тўнғич фарзандим олам-
дан ўтди. Энди унинг гўдакла-
рини оёққа турғазиш учун ҳам
келиннинг ёнида турмасам

қайта Машҳаргоҳда тирилиши-
миз хаёлимдан ўтди.

Миралишер

ҲАСАН ўғли:

— Каъбани биринчи кўрган-
даги ҳолатимни ҳеч қачон унут-
масам керак. Унинг ҳайбатидан
тилим айланмай қолди. Бутун





бўлмасди. Албатта, буларнинг бари Аллоҳнинг синови эди. Шунинг учун умидсизланмадим, тиним билмадим. Яхши кунларни орзу қилиб, ҳар намозимдан кейин, Ўзингдан бошқага муҳтож қилма, заҳматларга сабр бер, болаларим истаганимдай инсонлар бўлишсин, деб сўраганим сўраган эди.

Шукр, болаларимнинг ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Ўқимишли, хунарманд. Ниҳоят, бир умрлик орзуим — ҳаж ибодатини адо этдим.

Шухрат

АНВАР ўғли:

— Муборак сафарда ҳайратланган лаҳзаларим кўп бўлди. Кекса отахон, онахонлар оддий йўлда секин юришини, тез чарчаб қолишларини кўп кўрганмиз. Аммо Каъбатуллоҳ тавофида дадил юришларини кўриб, “Субҳоналлоҳ”, дердим. Ихлос, муқаддас замин, ибодатга ҳарислик одамга куч бағишлар экан.

Арафотда ҳам ўзимни жуда бошқача ҳис қилдим... Тумонат одам. Маҳшаргоҳни эслатади. Аммо ҳамма ўзи билан ўзи, бутун вужуди билан ибодатга берилган, бутун кўнгли

билан Парвардигоридан сўрайди-ганини сўрайди. Ватанимизга ободлик, халқимизга фаровонлик, дунё мусулмонларига бирдамлик тилаб, дуолар қилдик.

Ҳажда машаққат кўп. Тиқилинч, тирбанд

бўлади. Вужудлар чарчайди. Аммо кўнгил хотиржам, руҳият ёришиб туради. Бирон жойда ҳожи ҳожига сал тегиб кетса, минг бора узр сўрайди. Яхши муомала, гўзал хулқ, бир-бирини сўзсиз тушунади. Фақат бир жойда — шайтон тимсолига тош отаётганида юракда нафрат кўзгалар экан. Бу ҳол, албатта, одамга ошқора душман бўлган шайтондан сақланиш, дунёда яхшилик тантанасини кўриш истагидандир. Ана шу истак бутун умр ҳамроҳи бўлган ҳожи ҳаётда кўп нарсага улгуради.

Ўткир

ОЛИМЖОН:

— Ҳаж мавсуми гўзал таълимлар берди. Тиқилинчда сабр дарсини олдик. Сукутда камгапликни ўргандик. Хушфёъл, очикчеҳра, хокисор кишиларни кўриб, кибрни ўзимиздан узоқлаштирдик. Ҳамманинг бир хил кийингани тенгликни англатди.

Аллоҳ ҳажимизни ва дуоларимизни қабул қилсин.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ёзиб олди.

Отабек БОҚОНИЙ

Бухорий бобом

Гоҳида шод бўлиб, гоҳ чекиб алам,
Гоҳида қийналиб, гоҳи муҳтарам,
Саҳиҳ ҳадисларни қилиб борди жам
Имомлар имоми Бухорий бобом.

Ёлғону ғийбатдан сақлаб ўзини,
Қуръону ҳадисдан узмай кўзини,
Тингларди доимо устоз сўзини
Имомлар имоми Бухорий бобом.

Гоҳи жазирада, гоҳи сояда,
Гоҳида от билан, гоҳи туяда,
Ҳадис излаб кезди гоҳи пиёда
Имомлар имоми Бухорий бобом.

Қабрини зиёрат этар кекса-ёш,
Тиловат қилишар кўзларида ёш,
«Саҳиҳ»лари бугун бизга ҳам йўлдош,
Имомлар имоми Бухорий бобом.

Эй имом-хатиб!

Насиҳат айтишга ожизман, бироқ
Айтмасам, тўлғониб, қийналар юрак.
Ватанни севайлик севгандай Широқ,
Ноўрин сўзласам, қўйгин тўхтатиб,
Мени бир тинглагин, эй имом-хатиб!

Сен бугун халқимнинг гурури, ори,
Бугун сен Ватаннинг чин зиёкори,
Қавмнинг ишончи ҳам ифтихори.
Сен шунга лойиқ бўл, қолмагин қотиб
Илм ол, илм бер, эй имом-хатиб!

Гердая кўрмагин илмингта сира,
Танбал бўлиб, ақлинг тортмасин хира,
Холис бўл, кўпайсин савоб-заҳира,
Зинҳор, тама ила бўлма ош-қатик,
Нафсингни жиловла, эй имом-хатиб!

Ҳар хил секталарнинг ёлғонин айтиб,
Миссионер юрар кўчада дайдиб,
Фош қил уни, асло келмасин қайтиб!
Қанчаси имонин қўйди-ку сотиб,
Огоҳ бўл, хушёр бўл, эй имом хатиб!

Қуръону ҳадисдан сўзлагин доим,
Эл-юрт фойдасини кўзлагин доим,
Аллоҳ ризосини излагин доим,
Дунёда жаннатлар бўйини татиб,
Маърифат нурын соч, эй имом-хатиб!

Иштихон тумани

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Янги мажмуа қурилади



Австралия Ислом кенгашига маданият мажмуасини қуриш учун рухсат берилди. Унинг асосий вазифаси диний анъаналарни ривожлантириш бўлади.

«Бундай маданий марказнинг очилиши ҳар қандай этник ва диний жамоага жуда қулай шароитлар туғдиради. Одамларнинг ўзаро мулоқотда бўлишлари осонлашиб, улар жамиятда ўзларини яхши ҳис эта бошлашади», дейди Австралия Ислом кенгаши ходими Абдул Жалил Аҳмад.

Марказни Ривервейл ўлкаси Перте шаҳрида қуриш режаланган. Лойиҳага кўра, уни қуриш учун юз минг австралия дўллари сарфланади. Мажмуа таркибида масжид, маъмурий бинолардан ташқари, олти қаватли турар-жой, хиёбон ва автоулов сақлаш ертўласи бўлади. Шунингдек, тўйхона, таълим маркази барпо этиш ҳам режаланяпти.

Лойиҳа ташаббускорларидан Раҳим Форий айтишича, мазкур марказда мусулмон ёшларга Австралиянинг ибратли фуқаролари бўлиш йўл-йўриқлари ўргатилади.

“IslamOnline”

Ахлоқий тамойиллар жуда муҳим

Бутунжаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари тобора кенгайиб бораётган инқироздан чиқиш йўлларини топиш мақсадида Ислом иқтисоди ва назариясини ўрганишга ки-

ришишди. Ислом банклари ва молия ташкилотлари Бош кенгаши раҳбари Изиддин Хўжа Баҳрайн университетида ўтган Учинчи бизнес анжуманида шу ҳақда маълум қилди.

“Мутахассислар энди молиявий инқирозни изоҳлаш ва бир қарорга келишда, барқарорликни таъминлаш йўлини топишда ахлоқий тамойиллар жуда муҳим эканини тан олишга мажбур бўлишяпти. Ислом ғарбга унинг иқтисодий тизимини қандай тиклаш мумкинлигини кўрсатмоқда”, дея таъкидлади анжуманда Изиддин Хўжа. Унинг айтишича, 1975 йилдан шакллана бошлаган Ислом молия тизимида ҳозир тўрт юздан ортиқ банк ишлаб турибди. Уларнинг умумий жамғармаси олти юз миллиард дўлларга яқин. Тизимда ўртача йиллик ўсиш ўттиз беш фоиздан юқори бўлган.

“IINA”

Ҳожилардан фойдалар

Бутун Ислом олаmidан келган ҳожилар Саудия Арабистони газнасини бир неча миллиард дўлларга бойитишди. Ҳожилар бунча маблағни асосан ҳаж арконла-



рини кўнгилдагидек адо этишда асқотадиган ашёлар билан савдо қилувчи дўконларда, расталарда қолдиришган. Шунингдек, улар турли-туман совғалар, заргарлик маҳсулотларини ҳам кўплаб харид қилишган. Жумладан, бу йил ҳаж мавсумида икки юз йигирма миллион дўлларлик тилла тақинчоқлар сотилгани қайд этилди. Бундай савдо Мадинаи мунаввара, Жидда шаҳарларининг эски бозорлари, савдо марказларида ҳам қизгин давом этгани табиий. Бу шаҳарларда ҳожилар кўпроқ жун, гиламлар ва хушбўйликлар сотиб олишган.

Ўтган ҳаж мавсумида Маккаи мукаррамага жаҳоннинг бир юз етмиш саккиз мамлакатидан бир миллион етти юз ўттиз минг ҳожи келди. Умумий ҳисобга кўра эса, уч миллион нафарга яқин мусулмон ҳаж арконларини адо этди.

Islam.ru

Риёзда учрашишди



Ислом Конференцияси Ташкилотининг ижтимоий ва маданий масалалар бўйича директори Абдулла Хомойтуддин бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар Риёз шаҳрида Оврупа парламенти президенти Ханс Герт Поттеринг ва унинг ҳамроҳлари билан учрашишди. ИКТ вакиллари орасида элчи Тариқ Али Бахит ва бош котиб маслаҳатчиси Уфуқ Кўкчан ҳам бор эди.

Ўзаро мулоқотлар дўстона вазиятда ўтди. Мутахассислар турли масалалар бўйича, иккитомонлама муносабатларга доир қарашларини эркин баён этишди.

Учрашувда ИКТнинг жаҳонда БМТдан кейин иккинчи йирик ҳукуматлараро ташкилот сифатида унга аъзо мамлакатларда тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларига катта эътибор қаратаётгани таъкидланди.

“IINA”

Гуанжоу савдо марказида

Хитойдаги бундан минг йиллар олдин хорижлик савдогарлар шарофати билан шаклланган Гуанжоу халқаро савдо маркази

зига яна Ислом дини ва мусулмонлар қайтиб келишяпти.

“Мен бу ерда Исломни кенгроқ ва чуқурроқ англай бошладим, – дейди



Гуанжоуга келган мусулмон Жин Лай. – Турли мамлакатлар фуқароси бўлган диндошлар билан мулоқотда Ислом масжид билан чегараланиб қолмаслигини, бу дин яшаш тарзи эканини тушундим”.

Гуанжоуда тўртта масжид, улар орасида Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) яқин саҳобаларидан Саъд ибн Абу Ваққос қурдирган “Хуайшен” жомеъи ҳам бор.

Ўтган XX асрда Гуанжоуда мусулмонлар камайиб кетди. 2000 йилги аҳолини рўйхатга олишда салкам ўн минг мусулмон қайд этилган эди. Ҳозир Гуанжоу мусулмонлар уюшмаси шаҳарда эллик-олтмиш минг мусулмон борлигини таъкидлайди.

Ташкилот вице-президенти Уан Уэнчжие айтишича, шаҳардаги тўрт масжидда ўн мингдан ортиқ киши беш вақт намозни адо этади.

“IslamOnline”

Қуръони карим мажмуаси

Мадинаи мунавварадаги муқаддас Қуръони карим мажмуаси 1984 йили иш бошлаган эди. Мажмуада 2008 йилнинг ноябр ойигача Қуръони карим,



унинг маънолари таржималари салкам йигирма етти миллион нусхада чоп этилиб, Ислом оламига тарқатилган.

Ўтган йилнинг биргина ноябр ойида мажмуа икки юз ўттиз бир минг нусхадан ортиқ Қуръони карим, унинг маъно таржималарини тарқатган.

“IINA”

Сайтнинг янги қароргоҳи

Вашингтон шаҳрида жаҳонга машҳур “IslamOnline” сайтининг янги қароргоҳи



очилди. Сайтнинг инглиз бўлинмаси ижрочи директори Муҳаммад Зидан таъкидлаб айтишича, IslamOnline.net ахборот воситаси сифатида жуда кенгқамровлидир. Шу боис АҚШда унинг ваколатхонаси очилиши табиий бир қадам бўлди. Бу қадам муслмонларга Ислом олами ва бутун жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳақида ахборот етказишда катта имкониятдир, дея таъкидлади Муҳаммад Зидан.

Сайтнинг янги қароргоҳи “National Press Building” тарихий биносидида жойлашган. “Бугун орзуимиз ушалди. Америкадек улкан мамлакатда қароргоҳимиз иш бошлаши биз учун муҳим воқеадир”, дейди сайтнинг инглизча матнлар бош муҳаррири Камол Бадр. Эслатиб ўтамиз, “IslamOnline” 1999 йил ташкил этилган. Бош қароргоҳи Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида.

Сайтнинг янги қароргоҳи “National Press Building” тарихий биносидида жойлашган. “Бугун орзуимиз ушалди. Америкадек улкан мамлакатда қароргоҳимиз иш бошлаши биз учун муҳим воқеадир”, дейди сайтнинг инглизча матнлар бош муҳаррири Камол Бадр. Эслатиб ўтамиз, “IslamOnline” 1999 йил ташкил этилган. Бош қароргоҳи Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида.

Islam.ru

Масжидун Набий кенгайтирилмоқда



“Аш - Шарқ ал-авсат” газетаси хабарига кўра, Мадинаи мунавварадаги Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) масжидларида бошланган кенгайтириш ва таъмирлаш ишларидан сўнг хонақоҳ ва ҳовлида бир вақтда бир ярим миллион киши намоз ўқиши мумкин бўлади. Мадинаи мунаввара ҳокими Абдул Азиз Ҳусайн айтишича, бу ерда тўрт миллиард етти юз миллион риёллик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Икки юз минг намозхонни ёмғир ва қуёш тигидан тўсувчи бир юз саксон иккита улкан ёпинчиқ ўрнатилади. Ҳовлининг шарқий томонидан етмиш минг кишилик майдон, Қирол Файсал кўчасидан масжидга ўтиш учун учта ерости йўли очилади.

Икки юз минг намозхонни ёмғир ва қуёш тигидан тўсувчи бир юз саксон иккита улкан ёпинчиқ ўрнатилади. Ҳовлининг шарқий томонидан етмиш минг кишилик майдон, Қирол Файсал кўчасидан масжидга ўтиш учун учта ерости йўли очилади.

Шаҳар ҳокими масжид ҳудуди тўрт тарафдан эллик саккиз ярим гектардан кўпроққа, масжиднинг ўзи эса бир юз ўттиз етти минг тўрт юз квадрат метрга кенгайишини таъкидлади.

Russianhome.ru

Хавфсизлик кенгаши тасдиқлади

Бирлашган Миллатлар ташкилоти хавфсизлик кенгаши халқаро тинчлик парвар қўшинларнинг Ироқда бўлиш муддати 2008 йил 31 декабрдан эътиборан тугагини расман тасдиқлади.



Ироқ бош вазири Нурий Маликий халқаро қўшинларнинг Ироқда бўлиш ёрлигини ортиқ узайтирмасликни сўраб, БМТга мурожаат қилган эди. Хавфсизлик кенгашининг барча – ўн беш аъзоси бу масалага доир қарорни ёқлаб овоз берган. Хужжатга кўра, 2009 йилнинг июл ойигача АҚШнинг барча иттифоқчилари Ироқдан чиқиш кетишлари керак.

“Lenta.ru”

Смолний институтида

Санкт Петербург шаҳридаги Смолний институтида октябр-декабр ойлари Москва Ислом университети билан ҳамкорликда Ислом асослари ва араб тили бўйича ўн кунлик махсус ўқув курслари ташкил этилди.



«Петербургда муслмон мутахассисларини тайёрлаш муаммоси жуда долзарб, – дейди маҳаллий «Ал-Фатҳ» ташкилоти раиси Жамолиддин Маҳмутов. – Шаҳримизда ҳозир етти юз мингга яқин муслмон яшайди. Шу боис Смолний санъат институтида Ислом факултетини ташкил этиш лойиҳаси ишланмоқда».

Жамолиддин Маҳмутов айтишича, янги

очиладиган факултетда асосан масжид имомлари тайёрланади.

ИА "Мой район"

Торонтода ўтган анжуман

Канаданинг Торонто шаҳрида мамлакат мусулмонларининг "Исломи руҳиятнинг тикланиши" йиллик анъанавий анжумани ўтказилди. "Уч кун (26-28 декабр) давом этган байрамга жаҳоннинг турли мамлакатларидан таниқли мусулмон арбоблар ташриф буюришди, ўн минглаб турли миллатга мансуб одамлар қатнашди", дейди тадбир матбуот котиби Нодир Шерозий.

Фестивал қатнашчилари америкалик Ҳамза Юсуф, Яҳё Робуса, швейцариялик Торик Рамазон, кувайтлик Торик Сувайдон, мисрлик Амр Холид, канадалик Жамол Бадавий каби таниқли олимларнинг долзарб муаммоларга доир суҳбатларини тинглашди.

Анжуман охирида покстонлик Жунайд Жамшид, британиялик Масъуд Куртис каби санъаткорлар бадиий дастурларини намойиш этишди.

Анжуман доирасида Шимолий Америка мусулмон ишлабчиқарувчилари ва савдогарлари товарларининг кўргазма-савдоси ҳам ташкил этилди.

"Ислам для всех"

«НАВАБИҒУЛ КАЛИМ»

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Замахшарийнинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа соҳаларга доир олтмиш бешдан ортиқ асари улкан илмий мерос сифатида етиб келган.

Олимнинг "Навабиғул калим" асари насрий сажъ усулида ёзилган. Бу асар ҳикматлар, насихат ва ўғитлар мажмуасидир.

Асар Аллоҳга ҳамд билан бошланади. Муаллиф ота-онага эҳтиромли, қариндош-уруғ ва бошқа мусулмонларга гўзал муносабатда бўлишга, дунёнинг фонийлигию охиратнинг боқийлигини унутмасликка, дунё зийнатларига ҳаддан зиёд меҳр қўймасликка, оиласи ва фарзандларига меҳр кўрсатишга, илми ва илм аҳлини қадрлашга, гўзал ахлоқли, ифбатли бўлишга чақиради.

Бу асар мусулмон мамлакатларида бир неча марта нашр қилинган. Масалан, асар 1287 ҳижрийда Қоҳирада ва 1306 ҳижрий йили эса Байрутда босилиб чиққан².

Асарнинг профессор Баҳюка Ҳусний тадқиқ қилган танқидий нашри 1971 йили "Ал-Араб" журналида босилган. Асар турк олими Мустафо Исомуддин таржимасида 1283 ҳижрийда Истамбулда нашр қилинган³.

Айни чоқда, ғарб мамлакатларида ҳам бу асарга қизиқиш катта бўлган. Жумладан, 1772 йили голландиялик шарқшунос Шултейн лотин тилига ва 1871 йил эса франсалик Барбиер Мийнард франг тилига таржима қилган.

Ҳозир асарнинг бир неча қўлёзма ва босма нусхаси дунёнинг турли мамлакатларида, жум-

ладан, Берлин, Лондон кутубхоналарида, шунингдек, Ироқ миллий музейида сақланади⁴.

"Навабиғул калим"нинг қўлёзма нусхаси бизнинг юртимизда мавжуд эмас. Аммо тошбосма нусхаси республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланади.



Асарга бир қанча шарҳлар ҳам битилган. Улардан аллома Саъуддин Тафтазонийнинг "Ниъамус савабиғ фи шарҳин Навабиғ" асари ҳижрий 1287 йили Қоҳирада чоп этилган.

Руслан ИБОДОВ,

Тошкент Давлат шарқшунослик институти 3-босқич талабаси

¹ Маҳмуд Замахшарий. "Асасул балаға".

² Маҳмуд Замахшарий. "Асасул балаға".

³ Маҳмуд Замахшарий. "Нозик иборалар". — Т.: "Камалак", 1992, 27-бет.

⁴ Карл Броккелман. "Тарихул адаб ал-арабий", 5-боб, Қоҳира, 1975.

Мирзажон ИСЛОМОВ

Кўпайсин йўқловчиларинг

Манзил сари йўлинг теп-текис бўлмас,
Оқибати ёмон адашсанг агар.
Ёв чиқар ўзингдан, бегонаданмас,
Юз-хотирсиз обрў талашсанг агар.

Тонг елин ҳавас қил, бўронни эмас,
Кўксингни тўлдирсин тоза ҳаволар.
Ҳар ошиққан тошқин селдек бўлолмас,
Кичик чашма суви дилни даволар.

Ҳалолдан бўлмаса топганинг доим
Бир куни бошингга келтирар жафо.
Тубанликдан ўзинг асра, Илоҳим,
Ҳаётда бўлмайин дарди бедаво.

«Саодат сари» деб йўлингга қўй ном,
Гавжум бўлсин ҳамроҳ йўловчиларинг.
Ҳаққа илтижо қил, Мирзажон, мудом,
Кўпайсин сенинг-да йўқловчиларинг.

Фарғона



Умида ИСМОИЛОВА

Сени эслайман

Мен сени эслайман сокин сахарда,
Қаро тун бағрини ёритганда тонг.
Бир енгил шамоллар эсган наҳорда
Куёш уфқларга сочса тилла ранг.


Мен сени эслайман дунёга боқиб,
Мўъжизали олам қилганида лол.
Ҳайратли хаёллар домиди оқиб,
Бир зумга чалғимоқ келади малол.

Мен сени эслайман, эслайман ҳамон,
Гарчи кўролмасман ерда жамолинг.
Руҳим интилади мудом сен томон,
Барча гўзалликлар сенинг тимсолинг.

Кўксингни

Мен сени эслайман, эслайвераман,
Ўй-фикримда фақат васлинг ҳукмрон.
Ҳижрон саҳросида гуллар тераман,
Энг яқин сирдошим ўзингсан ҳар он.

Избоскан



Шавкат ИСКАНДАРОВ

* * *

Раббим, лутфинг-ла бахт-саодат келгай,
Тараҳҳум қил, нури ҳидоят келгай.
Илм дардин дариг тутма дилимдан,
Раҳм айлагил, ҳифзу ҳимоят келгай.

* * *

Булбулнинг сайраши дилни яйратар,
Бойқуш овози ғам тиғин қайратар.
Булбулдан минг бора афзалдир, создир –
Ким қалбини илм билан сайратар.

Шофирқон



Олим РАҲИМ

Раҳмати Раҳмон ширин

Улфати нодон сўзидан
узлати пинҳон ширин,
Дилда борингни тўкибсан,
чашмаи хандон ширин.

Бормагин дўсти муғомбир
қошига, бергай фириб,
Қанчалар бўлсанг узоқроқ,
шунчалар чандон ширин.

тўлдирсин поза ҳаволар...

Чун такаббур бирла суҳбат
айласанг озурда жон,
Давлатин қилмас писанда,
камтарин инсон ширин.

Хокисор тупроқни қуч
аста бошингни қўйиб,
Жўйибор айла ёшинг,
раҳмати Раҳмон ширин.

Ўз-ўзим бирла мулоқот
айласам эрмас ғалат,
Ҳасрату дардимни тўксам,
айтганим армон ширин.

Эй Олим, хуффош каби
эл кўзидан юр йироқ,
Танга нур бўлсин десанг,
суҳбати Фурқон ширин.



Ҳикмати пинҳона кўп

Тангри арконида, сўзни
бошласам, дурдона кўп,
Чун варақ очсам, фалакда
ҳикмати пинҳона кўп.

Фикр қилсам, кўкда юлдуз
ҳаддига йўқдир ҳисоб,
Аълимул ғайб измида
учгучи кавкаб дона кўп.

Етти қат осмондаму ё
кавни асрор ёширин,
Ҳеч тафаккур нури етмас,
йўл йироқ, остона кўп.

Баҳри уммонлар ароким
турфа олам хилқати,
Ҳар бирин жинсига мансуб
беадад кошона кўп.

Аҳли ботин бўлмагунча
пардасин олмас замин,
Кутби ориф йўлларида
нисбати фарзона кўп.

Саҳни оламга берибдир
меҳри анвар неъматин,
Хулқи хушлиғ бирла Холиқ
васфида шукрона кўп.
Кўқон



Ҳафизахон ЮНУСОВА

Саҳар тургил

Саҳар тургил, ҳикмат шунда,
Фафлат босиб ётма бунда,
Мукаррамсан бу очунда
Саҳар тургил, саҳар тургил.

Саҳар турмоқ саодатдир,
Аллоҳимдан иноятдир,
Дуоларинг ижобатдир,
Саҳар тургил, саҳар тургил.

Саҳар турсанг бўлмайсан кам,
Муродингни бергай Эгам.
Бу одатда бўл мустаҳкам,
Саҳар тургил, саҳар тургил.

Фаллаорол



ДОИМИЙ ТАНБЕҲНИНГ ЗАРАРИ

* Болалар беш-олти ёшга-ча нима рост ва нима ёлгонлигини англамай, ҳаммасини аралаштириб гапиришади, ўй-хаёлларини ҳақиқат деб тушунашади. Бироқ баъзи болалар етти-саккиз ёшга кирганидан кейин ҳам ёлгон сўзлашда давом этаверишади.

Айнан шу даврда бола айтаётган ҳар бир сўзга эътибор бериш керак.

* Бола ёлгон гапиришни аввало атрофдаги одамлардан ўрганеди. Айниқса, у ўрнак оладиган, тақлид қиладиган инсонлар (ота-онаси, қариндошлари, дўст-биродарла-

ри)нинг ҳар бир сўзи болага таъсир ўтказеди.

* Боланинг ёлгон сўзлаши унда ўзига бўлган ишонч кучсизлигини кўрсатади.

* Ҳаддан зиёд қаттиққўллик ёхуд доимий равишда танбех бериб туриладиган оилаларда болалар ёлгонни



МЕЛАМИННИ БИЛАСИЗМИ?

Хитойда ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари идишида «Таркибида меламина йўқ» деган тамга пайдо бўлди.

Осиёнинг баъзи мамлакатларида гўдакларнинг ёппасига меламина моддасидан заҳарланиши кучли хавотир уйғотди. Шу сабаб билан хитойлик етти нафар гўдак оламдан ўтди. Минглаб бола буйрак хасталигига дучор бўлди. Сентябр ойи охиридаги маълумотларга кўра, эллик минг нафар бола меламинадан заҳарланган.

Ҳозир Хитойдан келтирилиши ман этилган (конфет, печенье, йогурт, қуруқ сут каби) маҳсулотлар тури мингдан ор-

тади. Юзага келган можаро қуруқ сут ишлаб чиқарувчи бошқа йирик ширкатлар маҳсулотларига ҳам шубҳа туғдирди. Хабарларга кўра, Швейцариянинг Nestle компанияси маҳсулотлари таркибида ҳам хавфли кимёвий бирикма топилган.

Хитойда яна йигирма иккита сут ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотларида хавфли модда борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, хом сутдаги оқсил миқдорини аниқлаш тизимини алдаш учун фермерлар атайлаб

сутга меламинани кўпроқ солишган. Чунки меъеридан ортиқ солинса, меламина сут таркибидаги оқсил миқдорини кўп қилиб кўрсатар экан. Шу тариқа фермерлар сутни қимматроққа пуллашган.

Меламина аслида пластмасса, елим, лок, қатрон ишлаб чиқариш, тери ошлашда ишлатилади. Азотга бой кимёвий модда меламина, елим идиш-товоқлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Унинг соғлиққа зарарини яхши билган оврупаликлар таркибида меламина бор идиш-товоқларни фақат четга чиқаришади.

Идиш-товоқлар, бўёқлар таркибидаги меламина сув ва бошқа суюқликлар билан бирикса, ўзидан оғир металллар ажратади. Сичқонларда олиб борилган тажрибалар бу хавфли модда ўткир аллергия, саратон, ҳатто ирсий касалликларни келтириб

вазиятдан чиқиш ечими деб билишади.

* Бир вақтда турли даргоҳларда ўқитиш, бир неча машғулотга қатнашга мажбурлаш, ҳар доим “аъло” баҳо талаб қилиш болани толиқтириб қўяди. Ёшига мос ҳолда ўйнаб-қулмаган бола, ота-онаси айтган ишларни бажармаслик учун ҳар нарсага, жумладан, ёлғон гапиршига ҳам тайёр бўлади.



чиқаришини кўрсатди. Шу сабаб “melamine” деган ёзуви бўлган барча маҳсулотларни озиқ-овқатлардан узоқда сақлаш зарур.

Меламин оқ чиннига ўхшайди. Аслида полимердан иборат пластикдир. Маҳсулот янгилигида ўткир ҳид таратади.

Меламиндан тайёрланган идиш-товоқларни аниқлаш қийин эмас: бир ой ишлатилса, уларда майда-майда дарзлар пайдо бўлиб, овқат қолдиқлари билан тўлиб қолади. Харид қилишда чинни идиш билан вазнини таққослаб билса ҳам бўлади, чунки у анча енгил, чертиб кўрилса, бўғиқ овоз чиқаради. Албатта, инсофли тadbиркорлар товар белгисига “melamine” деб ёзиб қўйишади.

Гулгун СУЛТОНОВА

Ярим тунда хона бурчагида нимадир шитир-шитир қилди, тақиллатгандек бўлди. Уйқум қочди, овоз келган томонга кулоқ тутдим. Эшик ичкаридан маҳкам ёпилган. Бирпас кутдим.

“Э, сичқон-ку, яна пайдо бўлибди-да. Илгари хотиним изини қуритган эди”.

Чироқни ҳам ёқмай, секин ўша томонга юривдим, жим бўлди. Жуфтакни ростладия, сезгисига қойилман, дей-

дим. Девор тагида қотган нон бўлакчаси, думалаб ётган бир идишга кўзим тушди. Гулдас-та қўядиган шиша идишда кичкинагина кирпи боласи, тим қора кўзларини менга қадаб, турарди. Шу топда у ёрдамга муҳтож. Бечора, киришга кирибди-ю, қайтиб чиқишга мажоли етмабди. Идишни қўлга олувдим, миттигина жонивор тиконли коптокчага айланди қолди. Уни кузатар эканман, ҳатто кирпи боласи ҳам ёқим-

КИРПИ БОЛАСИ

ман ичимда. Ўзи миттигинаю, сезгиси одамникидан ҳам кучли. Қоронғулик қўйнида биз бир-биримизни кўрмаётган бўлсак ҳам, сезиб турибмиз. Яхшиси, эрталаб тураману инини топиб, оиламининг ризқ-насибасига шерик бўлаётган бу кемирувчининг «фаолиятига» чек қўяман. Ё қопқон ёки маргимуш қўйсам, бас... Йўқса, ҳаммаёқни илма-тешик қилиб юборади.

Яна ўзимча ўйлайман, у бечора ҳам нима қилсин — тирик жон, яшашни хоҳлайди. Унинг бу ҳаракатлари яшаш ва насл қолдириш учун, холос. Одамзотдай эсли-хушли мавжудот тирикчилик учун нималар қилмаяпти! Қўйиб берсанг, баъзилар дунёни кемириб, ютиб юборишга тайёр. Ҳечам тўйдим демайди. Худонинг ўзи инсоф бермаса, қийин. Улар олдида бир митти сичқоннинг кемириши нима деган гап.

Ана шундай хаёллар билан ухлаб қолганимни ҳам сезмабман. Эрта тонг хўроз қичқиригидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, беихтиёр кечаси овоз келган томонга қара-

той бўлар экан, деган ўй ўтди кўнглимдан. Уни идишдан чиқариб, ташқарига қўйиб юбормоқчи бўлдим. Астагина қўл суқиб, тортиб олаётганимда кирпича тумшуғи, оёқчалари билан қандайдир ҳаракатлар қилди шекилли, бармоғимга ўткир тикончаси санчилди. Қарасам, бармоғим учидеа қизил донача...



Бу воқеадан ўзимча бундай хулоса чиқардим: яхшилик қилганингиз одамдан озор кўрсангиз, сиқилманг. Бехосдан озгина тинчи бузиб қўйилса, тиконча эмас, найза отадиган жайралардан Аллоҳ асрасин...

Бобониёз ҚУРБОН

ИЛК МАСЖИДЛАР МЕЪМОРЛИГИ

Ислом дини тўла қарор топиб, биринчи масжидлар қурила бошлаши билан меъморлик ҳам юзага келди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) вафотларидан сўнг тўрт улуғ саҳоба (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) асосан мусулмонларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ташвиши билан машғул бўлишган. Бу ҳол ўша пайтда йирик иншоотлар қуришга имкон бермас эди. Шунга қарамай, соддагина бўлса ҳам, бир неча масжид қурилгани маълум.

Ҳашамсизлик даври

Исломнинг илк даври (милодий 622–661 йиллар) меъморлиги оддийлиги, ҳашамсизлиги билан ажралиб туради. Янги туғилган давлатнинг бойлиги унча кўп бўлмай, ташқи хуруждан ҳимояланишга бор кучини ташлаган эди. Бундан ташқари, кучли имон ва тақво ортиқча дабдабаларга йўл бермасди. У пайтлар асосий эътибор тавҳид ақидасини, яъни, якка Илоҳга сиғинишни жорий этишга қаратилган эди. **«Кўзлар Унга ета олмайдиган, Ўзи кўзларга етадиган, меҳрибон ва (ҳамма нарсадан) огоҳ Зот» (Анъом, 103)** ягона Аллоҳга бундай имон илгари кўрил-

маган ва, табиийки, сиғиниш тимсолини бадий тасаввур этишга зарурат ҳам йўқ эди.

Жамият барқарорлиги ва фаровонлигида маълум даражаларга эришилганидан кейингина Исломнинг барча асосий йўналишларига мувофиқ келадиган янги муносабатлар пайдо бўлди. Нозик меъморий нафосат эса кейинроқ, ақлий ва иқтисодий тараққиёт туфайли энг нафис, энг майда нарсаларгача ҳисобга олувчи, аммо Исломда ижозат берилган шаклларга эҳтиёж туғилган замонлардагина юзага келди.

Биринчи масжидларга бир назар

Мусулмонларнинг биринчи ибодатхонаси – Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) Мадинадаги масжидлари ҳижратнинг биринчи йили қурилди. У ниҳоятда оддийлигига қарамай, инсоният тарихида шунга ўхшаш лойиҳаларнинг биринчиси эди. Ушбу масжид ўттиз йилдан кўпроқ вақт ичида мусулмон умматининг ижтимоий, маданий маркази бўлиб турди. Тўғри йўлдаги тўртинчи ҳукмдор Али ибн Абу Толиб (Аллоҳ ундан рози бўлсин) даврида пойтахтнинг Мадинадан Куфага кўчирилиши сезиларли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлди ҳамда меъморлик ва қурилишнинг мислсиз раванқини бошлаб берди. Мадина ўзининг олдинги имтиёзли мақомини йўқотиб, оддий овлоқ шаҳарлардан бўлиб қолди ва кейинчалик соф диний-маърифий марказга айланди.

Айни пайтда пойтахтнинг кўчирилиши Исломнинг бутун тарихига таъсир кўрсатувчи бир анъанани ҳам юзага келтирди. Ҳар гал раҳбар алмашганидан кейин пойтахтнинг янги жойга кўчирилиши жамиятда исроф ва ҳашамга мойилликни пайдо қилди. Бу иқтисодий ва ижтимоий гуллаб-



яшнаш даврига тўғри келди. Оддий масжид бой меъморий ечимлар ва безаклар билан жиҳозланган мураккаб иншоотга айланди.

Саъд ибн Абу Ваққос масжиди


Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) машҳур саҳобаларидан Саъд ибн Абу Ваққос (Аллоҳ рози бўлсин) милодий 638 йили Куфада бир масжид қурдирди. Бу билан у ўзининг «Дорул имора» номи билан машҳур бўлган доимий қароргоҳини белгилаб олди. Бу масжид биноси шунчалик нафосатли ва нозик нақшлар билан тўлиб-тошган эдики, Ҳазрати Умар (Аллоҳ рози бўлсин) ҳатто бундан хафа бўлиб, уни ёқиб юборишни буюради. Масжид Форс ўлкасидан келтирилган мраммар устунларга тикланган бўлиб, атрофи ҳандақ билан ўралган эди.

Илм масжидлар жиҳози

Тарихий манбалар маълум қилишича, ўша пайтдаги масжидларнинг ягона жиҳози зинапоя шаклида (баъзиларнинг айтишича, курси кўринишида) ясалган минбар бўлган. Масжидга тўпланган қавм ўтирган ҳолатда имомни бемалол кўриши ва хутбани эшита олиши учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) биринчи бўлиб минбарни жорий қилган эдилар. Минбар кўплаб ҳадисларда тилга олинган. Масалан, Абу Ҳурайрадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинган ҳадисда: «Уйим ва минбарим ораси жаннат боғчаларидан бир боғчадир», дейилган.

Умавийлар сулоласининг асосчиси Муовия даврида 661 йили пойтахт Куфадан Дамашққа кўчирилиши масжидлар ва уларнинг жиҳозланишида ҳам бурилишлар ясади. У ўзи билан меъморликдаги содда-камтар ва жиддий услубдан мухташам саройлар ва узоқ давр яшаб қолган меъморий шоҳ асарлар яратиш давригача бўлган босқични олиб келди. Шу ўринда Абдул Малик милодий 691–692 йиллари Қудуси шарифда қурдирган «Қуббатус сохра» (Тош гумбаз) масжидини эслаш кифоя.

Хулоса қилиб айтсак, Ислом илк даврининг энг асосий нуқтаси Исломнинг пай-



Қудуси шарифдаги «Қуббатус сохра» жамеъ масжиди (Ақсо масжидидан кўриниши).

до бўлиши ва унинг равнақи эди, давлат бутун эътиборни душмандан ҳимояланиш ва иқтисодни ўнглашга қаратган эди. Ўша даврнинг меъморий изланишлари жамиятнинг худди ана шу эҳтиёжларини қондиришга йўлланган эди. Бу эса Исломнинг илк даври масжидлари меъморий ечимига таъсирини ўтказган.

Масжидлар илк мусулмонлар фаолиятидаги диний, ижтимоий ва бошқа барча жабҳаларнинг ўзига хос маркази бўлган. Ислом илк даври масжидлари сирасига Мадинадаги Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидлари (мил. 622 йил), ҳозирги Ироқнинг Басра (мил. 635 йил) ва Куфа (мил. 638 йил) шаҳарларидаги масжидлар, Мисрнинг Фустат шаҳридаги Амр ибн Осс милодий 641 йили қурдирган масжид киради.

«Muslim Heritage» сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

«ИРШОДИЛ ОИЗИН»

«Саботул ожизин» шарҳи

Сўфи Оллоёрнинг машҳур «Саботул ожизин» асарида динимизга оид масалалар тоза қалбга бир ўқишда муҳрланадиган, содда ва равон услубда баён қилинган. Аммо турли даврларда унга шарҳлар ёзишга ҳам зарурат сезилган. Тожиддин Ёлчиғул қаламига мансуб, «Рисолаи Азиза» (1897, Қозон) бу асарга ёзилган энг яхши шарҳдир. 1917 йили «Шўро» журналида босилган «Саботул ожизин китоби» номли мақола муаллифи Маҳбуб Жамол Оқчурина ўша давр мактабларида Сўфи Оллоёр асари билан бирга «Рисолаи Азиза» ҳам ўқитилганини таъкидлайди.

Олмонияга илмий сафаримиз чоғи «Саботул ожизин»нинг яна бир шарҳини топдик. «Иршодил оизин» (Паноҳ истовчиларга тўғри йўл кўрсатиш) номли бу шарҳнинг микрофилми Гумболд университети қошидаги Марказий Осиеъни ўрганиш институти ноёб асарлар жамғармасида сақланади.

1910 йили Қозонда ака-ука Каримовлар босмаҳонасида чоп этилган бу шарҳ муаллифи Салоҳиддин Салимийдир. Китоб муқовасида «Иршодил оизин. Шарҳи “Саботул ожизин» сарлавҳасидан кейин қўйилган «иккинчи таъ» маълумоти ушбу китоб олдин ҳам босилганини билдиради. Китоб 228 бетдан иборат.

Мазкур шарҳнинг бошланишида «Саботул ожизин»даги «Сано лил холиқин...» байтидан олдин арабча: «*Фа ман заллазий тарзо сажайаху куллуҳа, кафа билмарҳи нубулан антуадда маҳойи буху*», яъни: «*Кимнинг барча хислатидан ҳамма рози бўларди? Киши айбининг озлиги унинг улуглигига далил*», деган мисралар келади.

Салимий айрим байтларни анча батафсил шарҳлаган. Масалан:

*«Ушал шоҳаншоҳиким шамъи диндир,
Анинг парвонаси Рухул аминдир»*,

байтини муаллиф: «Ул подшоҳлар подшоҳи набиййина Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) диннинг чироғидир. Унинг сир соҳиби ва ваҳий соҳиби Жаброил (алайҳисалом)дир, уни «Рухул амин» дерлар. «Шоҳаншоҳи» «подшоҳларнинг подшоҳи» демак, «шамъи дин» «диннинг чироғи» демакдир. Дин Унинг билан равшан бўлади. Бамисоли чироғ атрофини равшанлантирганидек, Расулulloҳ ҳам тамоми рўйи заминга дин чироғи билан зиё беради», деб шарҳ қилади.

Бошқа бир ўринда:

*«Насиҳат тингламас дил сахту маҳжуб,
Кўкармас тоша ёғмур ёғса ҳам кўб»*,

байтини мана бундай шарҳлайди: «Қаттиқ кўнгилли, ҳақ сўздан пардаланмиш кимса насиҳатни

қабул этмайди, бу қаттиқ тошга неча кунлар ёғмур ёғса-да, яшариб ўт-ўлан ўсмайди демакдир. «Дил» долнинг касраси ила кўнгил «демак»-дир, «сахт» «қаттиқ», «маҳжуб» «пардаланмиш» демак, «кўкармас» «ўт-ўлан ўсмас» демакдир».

Китобда «Саботул ожизин»дан изоҳсиз келтирилган ўринлар ҳам анчагина:

*«Кўнгилга кечса, кўзга тушса ҳар шай,
Эрур андин муназаҳ Холиқу Ҳай.
Удир ҳокимки ҳукмин ўзга этмас,
Анинг зотиға ҳеч ким ақли етмас.
Фаришталар, набилар етмадилар,
Бўйунсундилару фикр етмадилар.
Вале фикр эт Худонинг қудратиға,
Ажойиб ишлариға, санъатиға»*.

Муаллиф китоб охирида Аллоҳга шукрона тарзида охирида ёзган манзумасида асари «Саботул ожизин»га оид рисола эканини алоҳида таъкидлайди:

*«Иршодил оизин» номи китобим,
Ки тазкиратил аҳбоби мустатобим.
Рисоладир “Саботул ожизин”га,
Бу лосшайдир ўлан фаҳвойи динга»*.

Муаллиф ўзининг хизматларини камтарлик билан баҳолаб, китоб хос кишиларга — уламо-ларга эмас, балки авом учун ёзганини айтади:

*«Авоминнас ўланга бу ишорат
Ўлур шояд дею олдим башорат.
Хавос ўланлара чун нафҳи йўқдир,
Улум инжуси-ла садри тўлуқдир»*.

«Саботул ожизин»нинг бугунги жорий ёзувга табдил қилинган айрим нашрларида Сўфи Оллоёрнинг бир неча ғазаллари берилади. Жумладан, Зокирхонхожи Шокирхон ўғли 1991 йили «Шарҳи билан манзума» дея нашр қилган нусха охирида ҳам ўша ғазаллар бор.

Аммо биз таништираётган «Иршодил оизин» сўнггида берилган Сўфи Оллоёр ғазалларининг матни олдинги нашрларидан бир оз фарқ қилади. Расулulloҳга мурожаат тарзида битилган байтлар умуман янгиликдир. «Ҳидоят» ўқувчиларига Сўфи Оллоёрнинг айрим ғазалларини қайта табдил қилиб жузъий қисқартишлар билан тақдим этмоқдамиз¹.

Баҳодир КАРИМ

¹ «Иршодил оизин»дан парчалар, иншааллоҳ, журналнинг келгуси сонларида чоп этилади.

Сўфи Оллоёр

* * *

Ҳожатим улдир, илоҳи,
кулли ишим бош айласанг,
Мунда тавфиқ, анда
имонни йўлдош айласанг.

Алимга берсанг асоий ҳиммат,
оғзима сано,
Кўнглима ишқ оташин солсанг,
кўзим ёш айласанг.

Бор умидим гарди исёними
ювгай оби афв,
Вар на йўқдир чораси,
банданг қаро тош айласанг.

Чехраи журмимни ёбқил
пардаи исмат билан,
Анда мушкулдир, гуноҳим
халқ аро фош айласанг.

* * *

Хуш кариму корисозу
бандасига меҳрибон,
Ўн сакиз минг олам ичра
сунъини айлаб аён.

Бирни қилди кўру шол,
бирни қилди қар ва гунг,
Қудратини кўрсатибдир
халқа бешакку гумон.

Эй Карим, дардимни айтай,
раҳм қил мен хастага,
Бу ғариб бечорани Сен
шод қилғил ҳар замон.

Беқарору бенавою музтариб оввораман,
Лайлию Мажнун каби
афсонадирман даржаҳон.

Ё Расулulloҳ, гуноҳи кўп,
бу осий бандани,
Қил қарам бирла шафоат
баҳрини мунга равон.

Ё Расулulloҳ, мени бечорага қилғил назар,
Барчани уммиди сенсан
бу жаҳону ул жаҳон.

Ё Расулulloҳ, қарам бирла
менга лутф айлагил,
Кечаю кундуз, мени
кўнглимладирсан бегумон.

Ё Расулulloҳ, мени бирдам
қарорим қолмади,
Дардима қилғил даво,
сенсан шафёю меҳрибон.

Ё Абу Бакру Умар, вақти иноятдир букун,
Ҳам яна Усмон тақи
Ҳайдар Али соҳибқирон.

Эй амиралмўминин, шаҳзодалар,
сиздин мадад,
Айласам азми сафар суйи Мадина ногаҳон.

Эй қарими даввор, пушту паноҳ айлаб Сани,
Айласам қасди ҳарам,
қилғил хатарлардин амон.

Доимо Оллоҳери айлар орзуйи турбатинг,
Қил мушарраф кўйингга,
эй хотами пайгамбарон.

* * *

Эй биродарлар, мени
яхши демангиз зинҳор,
Зоҳирим сўфинамодир,
ботиним кину никор.

Шумлиғим, расволиғим
тегди валоят халқиға,
Анинг-чун тоғу тошу
чўлни қилдим ихтиёр.

Бу сабабдин мухталит бўлдим,
ғариблар қавмига,
Қайси ҳолда ўлганимни
билмасин деб хеш-табор.

Бош олиб чиқдим тутиб
аҳли таваккал доманин,
Асрағай шояд мени халқ
илгидин Парвардигор

Ҳар биродар гар сўрарса
Оллоҳёр мискин ҳолини,
Айтингиз, яхши дуодин
кўз тутар ул дилфигор.

НОМДАНАКНИНГ БИР КУНИ



Шукр қилишда ҳикмат кўп. Шукр неъмат янада кўпайтирилиб берилишига сабаб бўлади. Декабрнинг очик кунларидан бирида Паркент тумани Номданак қишлоғида бу ҳикматнинг гувоҳи бўлдик. Қишлоқдаги «Сирли» жомеъ масжидида жума намозидан кейин «Истиқлол шукронаси» деб аталган тадбир ўтказилди. Катта-кичikka эҳсон дастурхони ёзилди.

Номданакда етти мингга яқин аҳоли яшайди. Бир минг икки юз оила бор. Аҳолининг олтмиш фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Асосан боғдорчилик билан шуғулланишади. Салкам икки минг йиллик тарихи бўлган Номданак уста боғбонлари, танти деҳқонлари билангина эмас, илмга чанқоқ кишилари билан ҳам ном қозонган. Айтишларича, XX аср бошларигача қишлоқ аҳлидан етмишга яқин мураттаб қори чиққан. Одамлар Тошкент, Фарғона водийидан келишиб, уларнинг илм ва тарбияларидан баҳраманд бўлишган. Бу силсиланинг сўнгги вакиллари Турсунбой домла, Жалололдин эшонлар бўлишган деб эслашади кексалар. Собик совет даврининг тақик ва тажовузлари боис қишлоқда ҳатто Куръон саводи бор кишилар ҳам деярли қолмаган эди.

Истиқлолдан кейин қишлоқ аҳлининг нафақат иқтисоди, балки маданий-маърифий ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Тиббиёт шахобчаси қайта қурилди, 1300 нафар ўқувчини бағрига олган ўрта мактаб тўла таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. 2004 йили эскиси ўрнида беш юз киши намоз ўқий оладиган «Сирли» жомеъ масжиди хонақоҳи тикланди. Ҳозир икки қаватли айвон, ўн етти метрли мезана, таҳоратхона қурилиши яқунланиш арафасида.

Эътиборли томони, бу тадбир икки-уч кишининг сайъ-ҳаракати, ташаббуси билан ташкил этилмади. Балки қишлоқ аҳли уюшган ҳолда ҳамма ўзига яраша тайёргарлик кўрди. Қишлоқ ҳаётидаги турли муаммолар кўпчилик орасида кўрилиб, ижобий ечим топаётгани диққатга сазовор. Тадбирда ўтганлар хотирланди, улар ҳаққига Куръон оятлари ўқилди.

Тадбир сўнггида қишлоқ аҳлидан айримларини суҳбатга тортдик.

Солиддин САЛОҲИДИНОВ:

— Мустақиллик туфайли меҳнатга муносабат, ерга эгалик ҳисси ўзгарди. Фермерларимизнинг

аксарияти фақат ўзларинигина тиклаб олаётганлари йўқ. Кўча-кўйни обод қилишяпти, кам таъминланган оилаларга қўлдан келганча ёрдам беришяпти.

Бу ишлар фақат уларнинг пули кўпайганидан эмас, балки яшашдан мақсад нима эканини тўғри англаб етганларидан деб биламан.

Зайнуддин НУЪМОНҲОНОВ:

— Мен қариллик нафақасига чиққунча ўқитувчилик қилдим. Ҳозир ҳам кўпроқ ёшлар орасида бўлишни истайман. Нега? Чунки яхши хулқ, гўзал фазилатларни ёшларимиз онгига сингдирсак, келажакка умид ортади. Шулардан бири меҳнаткашлик. Кўп жойларда ишсиз юрган ёшларни кўраимиз. Иш йўқлиги ўз йўлига, аммо баъзиларнинг унча-мунча ишни назарга илмасликлари ҳам бунинг бир сабабидир. Масалан, ўзимизда ҳам иш йўқ эмас, бор. Бир гектар токзорга қарашнинг ҳам ўзи бўлмайди. Ёки қишлоғимизда янги уй-жойга эҳтиёжмандлар бор. Чеккадан қурувчиларни кутиш шартми? Мен қаерда ёшлар билан учрашиб қолсам, аввало, нима билан машгулликка қизиқаман. Мабодо бўш ёки ишсиз бўлса, «Эй укажон, фермерларга қарашинг ёки тўрт-бешовингиз қурилиш гуруҳи тузиб, уй-жойга эҳтиёжмандларнинг жонига ора киринг, кам бўлмайсиз», дейман.

Зикриё САЛИМОВ:

— Эл қачон кучли эл бўлади? Аҳил, ҳамжихат бўлса! Одамларни бир кўзда кўрадиган, Ҳақ амрини ҳалол етказадиган кишилар кўпайса, ҳамжихатлик пайдо бўлади. Тўрт-беш йилдан буён қишлоғимиздаги «Сирли» жомеъи жамоат жойига айланди. Одамлар бу ерга ибодатларини адо этиш қаторида хайрли ишларни бирлашиб амалга оширишга маслаҳатлашиш учун ҳам келишади. Бундан икки йил олдин «Сирли»да кенгашилиб, камтаъминланган оилалардан саккиз нафар ёшнинг боши қовуштирилди. Бир жойда, бир кунда, ортиқча чиқимсиз тўйлари ўтказиб берилди. Қишлоқни ободонлаштиришми ёки болаларимиз таълим-тарбияси масаласи дейсизми, мутасаддилар, оқсоқоллар фаол аралашинишади. Биз бундан хурсандимиз.



Муҳаммад ВАФО